ШОНА ВА ГУЛНИ КЎПАЙТИРИНГ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 146 (13.102).
25 июнь 1965 йил
Жума
Баҳоси 2 тийин.

Чопиқ тракторлари узлуксиз ва унумли ишласин, қатор оралари бир хил кенгликда, мумкин қадар чуқурроқ культивация қилинсин. Ҳадемай ғўзалар бўй чўзиб, шохлари ҳар тарафга қараб бир-бирига туташиб кетади. Бундай пайтда машиналарни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бошқариш керак. Пахта териш машиналарини теримга шай қилиб қўяйлик! (БИР ГРУППА ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТИДАН).

МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Мактаблардаги машғулотлар тугади. Янги ўқув йили бошланишига икки ойдан кўпроқ вақт бор. Шу давр — мактабларни ремонт қилиш ва янги мактаб бинолари қуришнинг энг қизғин давридир.

Совет давлати, Коммунистик партия ёш авлод тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилмоқда, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга маблағларни аямаётир. Бизда мактаблар ва ўқувчилар кўпайиб бормоқда. Ўтган беш йилликнинг ўзида салкам саккиз миллион бола ўқийдиган мактаб бинолари ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча бурчакларида мактаблар, болалар боғчалари ва яслиларининг янги-янги бинолари қад кўтармоқда. Бу йил давлат ҳисобига, шунингдек корхоналар ва колхозлар ҳисобига қуриб битказиладиган мактаблар айни вақтда бир ярим миллиондан ортиқ болани қабул қила олади. Мактабгача ёшдаги болалар учун қурилаётган янги муассасаларда 500 минг ўрин бўлади.

Украинада, айниқса Киевда ва Львов областида мактаблар қурилиши муваффақиятли олиб борилмоқда. Ўтган йилларда бўлганидек, Пенза ва Вологда областларидаги мактаб бинолари қурувчилари ишлар графигидан илдамлаб кетмоқдалар. Приморье ўлкасида ва Волгоград областида мактаб бинолари, шунингдек болалар боғча ва яслилари ўз вақтида қуриб битказилмоқда. Министрликлар, идоралар, корхоналар ўз маблағлари ҳисобига мактабгача ёшдаги болалар учун кўпгина муассасалар қурмоқдалар. Чунончи, Граждан авиацияси министрлиги бутун йил мобайнида қуриб битказиши лозим бўлган болалар боғчалари ва яслиларининг 70 процентини ҳозирнинг ўзидаёқ ишга туширибўлди.

Эндиликда колхозлар ҳам болалар учун кўпгина бинолар қуриб бермоқдалар. Етти йилликнинг олти йили мобайнида колхозлар икки миллиондан ортиқ бола ўқийдиган мактаб бинолари, 560 минг ўринли болалар боғчалари ва яслилари қурди. Масалан, Тошкент область, Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз мактаб-интернат, иккита умумий таълим мактаби ва ясли-боғча биноларини қуриб битказди. Олмаота область, Енгбекшиқозоқ районидаги Мичурин номли колхознинг янги мактаби тез орада пардоздан чиқарилади.

«Шу ўқув йилининг ўзида, — деб ёзади газетхон А. Шинкевич Краснодар ўлкасидаги Кореновск шаҳридан «Правда»га юборган хатида. — Ленин номли, Киров номли ва «Дружба» колхозлари ўз маблағларига учта мактаб қурдилар. Районимиздаги бошқа колхозларда ҳам яна бир неча мактаб бинолари қурилмоқда».

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Колхозчиларнинг ташаббуси кенг ёйишга ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Қишлоқ қурилишларини зарур материалларнинг ҳаммаси билан таъминлаш айниқса муҳим.

Маҳаллий Советлар билан қурилиш ташкилотлари ҳамма жойда ёз ойларидан мактаблар қурилишида тўлароқ ва яхшироқ фойдаланиш учун ишларни жадал суръатда олиб боришга эришишлари лозим. Бироқ, кўпгина мактаб қурилишларида ишлар ўлда-жўлда етибди. Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Бошқирдистон ва Чувашия Автоном республикаларининг қурилиш ташкилотларига жиддий таъналар айтмоқ керак. Шуниси ажабланарлики, авваллари ҳам бу ерларда мактаблар, болалар боғча ва яслилари қуриш планлари бажарилмас эди. Чунончи, сўнгги беш йил мобайнида Туркманистон болалари 15 минг ўринлик, Озарбайжон болалари эса 23 минг ўринлик янги мактаб биноларини ола олмай қолдилар. Қўриқ ўлкасида мактаблар қурилиши планлари йилдан-йилга бажарилмасдан келмоқда.

Шу районлардаги аҳвол ҳозир ҳам ўзгаргани йўқ. Давлатнинг мактаб қурилишига ажратиб берган маблағлари ҳали ҳам ўзлаштирилмай қолмоқда. Мактаб биноларини қуриш бир неча йилгача пайсалга солинаётган кўпгина қоллар бор. Ўртоқ Бондарь раҳбарлик қилаётган «Кончетавстрой»нинг 17-трести Володарский мактаб-интернати ва Степняк шаҳридаги мактаб-интернат қурилишини 1961 йилдан бери тамомлай олмаётир.

Бир қанча жойларда болалар боғча ва яслилари қурилиши тўғрисида яхши ғамхўрлик қилинмаётир. Шу йилнинг тўрт ойи ичида Латвия, Молдавия, Арманистон ва Тожикистонда бундай бинолардан биронтаси ишга туширилмади. Грузияда эса йилнинг биринчи ярмида очилиши керак бўлган боғча ва яслиларнинг атиги ўндан бир қисми фойдаланиш учун топширилди.

Мактаблар ва бошқа болалар муассасалари биноларини белгиланган муддатларда қуриб битказиш учун қурилиш ташкилотларида зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Бунинг учун одамлар меҳнатини тўғри ташкил қилиш, техникадан яхшироқ фойдаланиш, бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб бериб туриш керак. Партия ва совет органлари орқада қолаётган ҳар бир қурилишдаги нуқсонларнинг сабабларини яқин вақт ичида синчиклаб аниқлашлари, бажарилмай қолган ишларни тезроқ битказиш чораларини кўришлари лозим.

Ўқув йили бошлангунига қадар белгиланган қурилишларнинг ҳаммасини битказиш муҳим иш, албатта. Лекин қурилишнинг сифати тўғрисида ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилмоқ керак. Бирор қурилишда ҳам бракка йўл қўйиш мумкин эмас, айниқса болалар учун binolar қуришда бракка ишлаш асло ярамайди.

Янги binolar қуриш билан бирга мавжуд мактаб binolarini машғулотларга яхшилаб тайёрлаб қўйиш, уларни шинам қилиб ремонтдан чиқариш, асбоб-ускуналарни тартибга солиш ва тўлдириш ғамини ҳам ўз вақтида ейиш керак.

Ҳар бир мактаб binosi ўзининг еш эгаларига хизмат қилмоғи керак. Ҳолбуки, РСФСР, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Молдавия ССРларининг айрим область ва районларида мактаб binolaridan бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Бу ғап аввало мактаб-интернатларга тааллуқлидир. Масалан, Сирдарё областидаги мактаб-интернат binosidan бошқа мақсадларда фойдаланилаётган бўлса, Арманистон ССР Камо шаҳридаги мактаб-интернат заводга бериб қўйилган. Мактаб-интернатларга масалан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, профессионал-техника билим юртлари жойлаштирилаётганлигини қурсатувчи фактлар анча учраб турибди. Бу муассасаларнинг ҳаммасига яхши binolar берилиши кераклиги шак-шубҳасиздир. Лекин тайёр мактаб binolarini тортиб олман, улар учун махсус binolar қуриш керак. Бундай аҳволга чек қўйиш пайти келди.

Болалар тўғрисида, уларни тарбиялаш ва ўқитиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бизда кўпдан бери умумхалқ иши бўлиб қолган. Ҳар бир мактаб машғулотлар бошланишига тахт қилиб қўйилиши учун барча чораларни кўриш — совет органлари, комсомол ташкилотлари, кенг жамоатчиликнинг бевосита бурчидир. Янги ўқув йилига тайёргарлик қандай бораётганлигини қаттиқ назорат қилиб туриши лозим бўлган партия ташкилотлари ҳам бу ишда катта роль ўйнашлари лозим.

(«ПРАВДА»нинг 24 июндаги бош мақоласи).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сирдарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини бажариб, 7.281 тонна гўшт тайёрлади. (ЎзТАГ).

ҲАР ҚАТРА СУВ — ҒЎЗАГА

Бу йилги сув танқислигини мардонавор енгиш, оз сувдан тежамли фойдаланиб, ҳар туп ғўзани баҳраманд қилиш соҳасида Фарғона районидаги Димитров номли колхоз сувчиларининг белгилаган тадбирлари.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари ҳамма қатори бизга ҳам ойдин йўл очиб берди. Энди ана шу йўлдан тоймай, учрайдиган барча қийинчиликларни мардонавор енга бориш, ҳосил тақдирини ҳозирданоқ қўлга олиш муҳим вазифадир. Шунда кўзланган ҳосилни етиштириш мумкин. Пленум ҳамма нарсани кўрсатиб берди, хўжалигимиз равон изга тушиб олди, деб хотиржамликка берилиш ярамайди. Бундай деҳқон панд еб қолади. Иш ўз-ўзидан яхшиланиб кетмайди. Унинг равнақи одамларнинг ҳаракатига, ташаббус кўрсатиб ишлашига, маҳорат ва жасоратига боғлиқдир.

Айниқса, бу йилги оғир шароит ҳайбаракалачилик, ўзибўларчиликни, хотиржамликни кўтармайди. Сув камми — кам, дод солиш билан у кўпаймайди. Асл деҳқон эса оз сувни ҳам кўп ўрнида ишлата олади. Бунинг йўлларини яхши билади. Деҳқонни сув ваҳимаси касалига гирифтор қилиб қўймаслик керак. Бунинг учун эса юракни босиб олиш, ваҳимага тушмаслик, тер тўкиб ишлаётган кишиларнинг қўнглини топиш, уларга ҳамдам бўлиш даркор. Ғўзамизнинг талаби ана шундай. У кун санайди. Кун эса беҳуда ўтмасин. Ўтса, у қайта топилмайди. Бугунги ишни эртага қўйиб бўлмайди. Ғўзамизнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаш даврлари минутлар, соатлар, кунлар билан ўлчанади.

Биз қатор ораларини ана шунга амал қилган ҳолда ишлаяпмиз. Чигитни барвақт, уюқоқлик билан экиб олганлигимиз туфайли ҳозир ҳамма майдонлардаги ғўзалар текис ривожланяпти. Эндиги вазифа шу ютуқни қўлдан бермаслик, уни қадамба-қадам мустаҳкамлаб бориш, бунинг учун эса энг аввало, ҳар қатра сувни табаррук деб билиш, уни ҳеч исроф қилмай, ҳар бир уядаги ўсимликни қондириб суғориш йўлларини топиш, ота-боболаримиз тўплаган тажрибани ишга солишдан иборатдир. Ҳозирги вазиятни, аҳволнинг оғирлигини ҳисобга олиб, колхозимиз механиклари сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширишга киришдилар.

Сув танқислигини йил бошидан пайқаб, ҳамма пахта майдонларига яхоб берган эдик. Кам бўлмадик. Чигит ернинг ўз намига бир текис униб чиқди. Ниятимизга етдик. Бу билан анчагина сувни тежаб қолдик. Чунки ернинг ўз намига униб чиққан ғўзаси ёшлигидан кам сув талаб қилади. Ҳосилга кирганда сув танқислигига яхши бардош беради. Мевасини ўзида яхши ушлаб туради. Аксинча ғўза чигит суви билан чиқарилган вақтда, бардошсиз бўлиб ўсади. У ёшлигида кўп сув ичади ва сувхўр бўлиб қолади. Натижада мевага кирган вақтда заррача сувсизликка ҳам чидамай, ҳосилини ташлаб юборавериди. Шунинг учун ҳам бизда йил бошида яхоб бериш одат тусига кириб қолган. Лекин шу ишнинг афзаллигини кўратуриб, баъзи хўжаликларда унга амал қилинмаслигига киши ҳайрон қолади.

Ҳозир биз жуда кам сув оляпмиз. Ҳар гектар ер ҳосилига секундига 0,5 литр сув оқиб келяпти. Шунинг учун ҳам сувдан бригадалар ва участкалар ўртасида навбати билан фойдаланаётирмиз. Лекин пахтани чанқатиб қўймаслик учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Имкониятларни қидириб топиб ишга солишга тўғри келмоқда. Ҳозиргача 250 нафар биринчи класс сувчиларимиз бўлишига қарамай, мавжуд сув кам-ку, деб 80 кишини сувга қўйган эдик. Бу жуда кам экан. Яна 70 нафар сувчи қўшиб, уларнинг сонини 150 га етказдик. Шунингдек, колхоз бўйича 50 сувчи қўшимча сув таровчилар этиб тайинланди. Улар эгатларга югуртма сув таровчилардир. Бу сувчилар 10 группага бўлиниб ишлайдилар. Эрталаб соат 6 дан то кеч соат 9 гача ҳар қайси ўқариққа 10-15 литрдан сув олиб эгатларга югуртма сув тарашади. 3-4 метр юргизиб, сувни тўхтатиб қўйишади. Ҳозир ҳар куни шу группалар 60-70 гектар ернинг бошини сувга намлаб беришяпти. Кечаси эса бу ерларга жилдиратма сув қўйилаётир.

Шундай йўл тутганимизнинг боиси бор. Ерларимизни сув билан таъминлайдиган Шоҳимардон сойи кечқурунга борганда кундуз кунга нисбатан сувини 50 процент кўпайтиради. Кечаси сувнинг бир литрини ҳам бежо қилмасдан кундуз кунги боши пиширилган карталарга тараймиз. 40-50 гектар ерни суғориб оламиз. Смена билан суғориш, сувчиларни сменаларга ажратиш, уларга картанинг бошини пиширитиб берадиган группалар тузиш қутилганидан яхшироқ натижа бера бошлади. Колхоз бўйича ҳар куни илгаригидан 40 гектар кўп ер сувдан чиқариляпти. Ғўзалар қониб сув ичяпти.

Ерларга маҳаллий ўғит солиш, сув билан бирга «шарбат» оқизишнинг фойдаси катта. Булар ўсимлик ривожини тезлатишдан ташқари ерда намни узоқ сақлаш имконини ҳам беради. Шунинг учун 20 та автомашина, 15 та автоприцеп эжратиб, қишлоқлардан, фермалардан маҳаллий ўғит ташиб келишга, ҳар гектар ерга 25 июндан 1 августгача камида 5 тоннадан гўнг солишга қарор қилдик. Бундан ташқари ҳамма майдонлардаги ғўзаларнинг «шарбат»дан баҳраманд бўлишига эришамиз.

Ерни ўз вақтида, ўтказиб юбормай, сифатли культивация қилиш ўсимлик тагидаги намнинг узоқ сақланиб туришига имкон беради. Тракторнинг ишчи органларига наральник, гоз панжа қўйиб ҳайдашдан кўра «ККУ» маркали ишчи органларини қўйиб культивация ўтказишни мақбул топдик. Бунинг катта фойдаси бор. Чунки, гоз панжа, наральникка қараганда «ККУ»нинг ишчи органлари ерни майин қилиб титиб кетади. Бунинг эса ерда намни узоқ вақтгача ушлаб туришга катта фойдаси бор.

Сувчи даланинг соҳиби, ғўзани яшнатувчи. Унинг меҳнати ниҳоятда масъулиятли. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти шуни ҳисобга олиб, ҳар бир сувчини илжи борича рағбатлантириш йўлини тутмоқда. «Ғўзани суғориш устаси» деган значок олган сувчиларга 20 процент, биринчи разрядли сувчиларга 10 процент қўшимча иш ҳақи бера бошладик. Сувчиларга кечаси ва кундузи иссиқ овқат тайёрлаб берилмоқда. Авансла ҳар ҳафтада қўлга тегмоқда. Сувчилар ўртасида бошланган социалистик мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, мусобақа шартларини бажарган сувчилар пул ва бошқа буюмлар билан рағбатлантириб борилмоқда.

Бу ғамхўрликдан миннатдор бўлган сувчиларимиз ўзларига биркитилган карталардаги ғўзаларни қондириб суғориш билан бирга, умумий ишимизга ёрдам берадиган янгиданянги ташаббуслар кўрсатмоқдалар. Илғор сувчиларнинг тажрибасини далада — иш устида ва радиоузел орқали оммалаштирмоқдамиз, ҳафтада бир марта сувчилар куни ўтказмоқдамиз. Сувчилар куни навбати билан ҳар қайси бригада даласида ўтказилади. Сменадан бўшаган сувчилар шу ерда ўзаро тажриба алмашадилар. Кекса сувчилар ёшларга ўз тажрибаларини сўзлаб беришади. Бундан ташқари ҳар бир тажрибали сувчи иккитадан шогирд тайёрлашга киришди.

Бу йилги мажбуриятимиз катта. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганмиз. Бунинг уддасидан чиқамиз. Сув танқислигини бир ёқадан бош чиқариб енгамиз. Ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлишига эришамиз. Бундэ шубҳасиз, бир группа илғор пахтакорларнинг республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қилган мурожаати бизга мададкор бўлади.

Фарғона область, Фарғона районидаги Димитров номли колхоз аъзолари номидан:

Ҳ. АҲМЕДОВ — колхоз раиси, **А. ОТАБОЕВ** — бошланғич партия ташкилотининг секретари, **Ў. КАМОЛОВ**, — колхознинг бош агрономи, **Т. ОХУНОВ** — «Ғўзани суғориш устаси» — сувчи.

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Ленинобод» колхозининг тажрибали пахта устаси Таласбой Ғазотов бошлиқ бригада пахтанорлари ғўзани сифатли парвариш қилиб, кун сайин яшнатяптилар, ҳосилга ҳосил қўшяптилар. Фотомухбир А. Абалян бригада даласида бўлиб, ғўзанинг икки томонлама культивация қилинаётганини суратга олди.

А. Н. КОСИГИН АНГЛИЯ, ГАНА ВА НИГЕРИЯ ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин 23 июнда Англия, Гана ва Нигериянинг Москвадаги элчиларини уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Элчилар, биз ўз ҳукуматларимизнинг топшириғига мувофиқ Вьетнам масаласи юзасидан Англия, Гана, Нигерия ҳамда Тринидад ва Тобаго ҳукуматлари бошлиқларининг миссиясини Совет Иттифоқида қабул қилишни илтимос этиб, мурожаат қиламиз, деб айтишди.

Элчиларга қуйидагича жавоб берилди:

«Сизларнинг ўз мамлакатларингиз ҳукуматлари топшириғига биноан берган ахборотингизни СССР ҳукумати инобатга олади. Бу ахборотда Вьетнам масаласи юзасидан Англия, Гана, Нигерия ҳамда Тринидад ва Тобаго ҳукуматлари бошлиқларининг миссиясини Совет Иттифоқида қабул қилишни сўраб илтимос қилинган.

Шу муносабат билан қуйидагиларни айтишни истайман: Совет ҳукуматининг фикрича, бундай масала билан агрессия қурбони бўлган мамлакат ҳукуматига — Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматя, шунингдек Жанубий Вьетнам халқининг вакили бўлган Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронтига мурожаат қилиш лозим эди. Америка Қўшма Штатлари Жанубий Вьетнам халқига қарши қуролли интервенция қилиш йўлига тушиб олди. Жанубий Вьетнамнинг ички ишларига аралашмоқда. Тўрт мамлакат ҳукуматлари бошлиқларининг миссияси ўз нуфузидан фойдаланиб, АҚШ ҳукуматидан қуролли интервенцияни дарҳол тўхтатиш ва Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни, Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилинаётган агрессия ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилса, мантиқий иш қилиниб бўлур эди. Ана шу агрессия учун ва бу районда уруш учоғи вужудга келтирилганлиги учун Америка Қўшма Штатлари ва фақат Америка Қўшма Штатлари жавобгардир.

Ўз-ўзидан равшанки, Вьетнам масаласини бартараф этиш тўғрисида вьетнамликларнинг ўздари Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронтининг розилигисиз ва иштирокисиз ҳеч қандай музокаралар олиб борилиши мумкин эмас. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, Вьетнам масаласини бартараф этиш юзасидан музокаралар олиб боришга унга ҳеч ким ваколат бермаган ва Совет ҳукумати бундай музокараларни олиб бормоқчи эмас».

ИРРИГАТОРЛАР ДЕҲҚОНГА ҲАМКОР

Бу йил дарёлардаги сув нормадагидан қариб 40-45 процент кам бўляпти. Бу аҳволни қандай енгиш мумкин?

— Дарё ва каналларимизда оқаётган, сунъий денгизларимизда тўпланган оз сувдан тежаб-тергаб фойдалансак, — деб жавоб қилди бу саволга Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрининг ўринбосари ўртоқ Меришгенский, — деҳқонларимиз кўзлаган мақсадга албатта эришамиз. Министрликнинг жойлардаги ташкилотлари, мутахассислари пахтакорларга кўмакка отландилар. Қўшимча сув ресурсларини ишга солиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Жумладан, Аму — Бухоро каналининг ишга туширилиши Бухоро ҳамда Самарқанд областлари далаларини сув билан таъминлашни яхшилайди. Ҳозир Ҳамза станциясида 5 та насос ишлаяпти. Қуйимозорда бугун-эрта насослар сони яна иккита ортади.

Сув танқислиги Фарғона водийсида айниқса кучли сезиляпти. Каркидон сув омборига тўпланган сувдан 50 миллион кубометрини яқин кунларда пахта далаларига берамиз. Катта Фарғона каналига параллель равишда қурилаётган канал тез кунда ишга тушиб, ундан секундига 20 кубометр сув оқади. Ер ости, булоқ сувларидан фойдаланиш соҳасида қатор ишлар қилинмоқда. 900 дан кўпроқ қудуқ тозаланиб, ремонтдан чиқарилди. Улардан сув олиб, экинзорга оқизилмоқда. Фарғона областида 30 та янги қудуқлар қазилди. Ҳар бир қудуқдан секундига ўрта ҳисобда 10-20 литрдан сув олинмоқда.

Республикамиз далаларида ҳозир 7 минута насос ишлаяпти. Сувнинг ошмилиб кетмаслигини таъминлаш ҳамда унинг қўшимча ресурсларини ишга солиш мақсадида каналларга 150 километр узунликда бетон ётқизилди. Ирригаторларимиз деҳқонларга зарур бўлган оби-ҳаётни қудуқлардан, булоқлардан, коллектор-зовурлардан чиқариб беришга кўмаклашмоқдалар. Бу билан кифояланиб қолмай, гидротехникларимиз, мутахассисларимиз жойларга жўнаб кетдилар. Улар районларга, колхоз ва совхозларга эжратилган сувни қатъий ҳисобга олиб, каналлар, гидротехника иншоотлари ишчи устидан, сувни тақсимлаш устидан кеча-кундуз назорат қилиб бормоқдалар.

Бу йилги шароитда сувни гап сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилмоқда. Министрлик мутахассислари бу ҳусусда республикамиз хўжаликларидаги кўп сонли сувчиларга ишни тўғри ташкил қилишда ёрдамлашмоқдалар. Суғоришни тўғри ташкил қилиш юзасидан далаларда амалий иш олиб боряптилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, — деди Соломон Ильич Меришевский, — барча областларда сувчилар сони оқаётган сув ҳажмига қараб белгиланиши керак. Сурхондарё ва Бухоро областларида сувчилар етишмайди. Шу сабабли суғориш иш жонланмаяпти. Натижада сувдан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаётир.

Экинларни қондириб суғоришни тўғри ташкил этиш маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг ҳом жонажон ишидир. Шундагина биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисидаги қарорига амалий жавоб берган бўламиз.

Т. АЛИМОВ.

ҚАРДОШ СОВЕТ ХАЛҚИГА ТАШАККУР

Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти президиумининг раиси Нгуен Хну Тхо Л. И. Брежнев, А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқларга телеграмма юборди. У ўз телеграммасида берган баёнотлари учун ва Жанубий Вьетнам халқининг агрессия Америка империалистларига ва уларнинг малайларига қарши, Жанубий Вьетнамни озод қилиш, ватанни тинч йўл билан бирлаштириш йўлида олиб бораётган адолатли, ватанпарварлик курашини актив қўллаб-қувватлаётганлиги учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига ва Совет Иттифоқининг қардош халқига самимий ташаккур изҳор қилади.

Ҳозирги вақтда, дейилади телеграммада, Америка империалистларининг гоят хатарли қора ниятлари ва ҳаракатларига дуч келмоқдамиз. Америка империалистлари Жанубий Вьетнамда агрессив урушни кучайтирмоқдалар, авиация ва флотнинг уруш ҳаракатлари доирасини Шимолий Вьетнамга ҳам кўчириб, Жанубий Вьетнамда муқаррар маглубиятга учрашдан ўзларини сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Сизнинг, Совет Иттифоқи партияси ва ҳукуматининг Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронтининг ҳаққоний позициясини (бу позиция миллий фронтнинг 1965 йил 22 март баёнотида кўрсатиб берилган) қўллаб-қувватлаш юзасидан яқинда берган баёнотларингиз СССР билан Жанубий Вьетнам ўртасидаги букилмас жанговар қардошлик ва бирдамликни яна бир марта ифода этади. Жанубий Вьетнам халқининг ғайрат ва шижоатини янада оширади ва унинг адолатли ватанпарварлик курашини узил-кесил ғалаба билан тугаллашишга бўлган ишончини кучайтиради.

Жанубий Вьетнам халқи аввалдагидек ҳозирда ҳам Совет Иттифоқи қаҳрамон халқи кўрсатаётган шонли намунага доим қойил қолмоқда ва унинг букилмас революцион руҳига амал қилмоқда. Совет Иттифоқининг қаҳрамон халқи улуғ Ленининнинг доно раҳбарлигида зафарли Октябрь революциясини амалга оширди. Бу революция бутун дунё меҳнаткашларига озодлик йўлини очиб берди. Жанубий Вьетнам халқи муқаддас иш учун курашда совет халқи билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилади.

(ТАСС).

АВТОТРАНСПОРТГА ЯГОНА РАҲБАРЛИК БЎЛСИН

АВТОТРАНСПОРТ ЭКОНОМИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

Газетамизнинг шу йил 15-июнь сонида иқтисод фанлари кандидати ўртоқ Х. Юсупалиевнинг «Юк автомобилларидан унумли фойдаланайлик» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Бугун шу мақолада кўтарилган масалалар юзасидан мунозара тариқасида қуйидаги материал эълон қилинади.

□ □ □ □

1955 йилдан бошлаб, халқ хўжалиги юкларини умум фойдаланишдаги автотранспорт ёрдамида ташишга киришилди. Бу усул юк ташишнинг марказлаштирилган усули деб аталмоқда. Умум фойдаланишдаги автотранспорт ёрдамида юк ташиш автомобилларни эксплуатация қилишдаги амалда бўлган формаларни ўзгартириб юборди. Шу билан бирга янги усул автотранспорт хўжаликларининг структурасини ўзгартиришни, уларни йириклаштиришни тақозо этди. Майда-чуйда автохўжаликларни тугатиш умум фойдаланишдаги автотранспорт хўжаликларининг тез юксалишига йўл очди.

Юк ташишнинг марказлаштирилган усулига ўтилганлиги ҳаракатдаги составларнинг эксплуатация ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилади. Юк ортиш ва туширишни ишларини ташкил этиш ҳамда уларни техника воситалари билан жиҳозлашни яхшилади, ҳаракатдаги составларни ихтисослаштиришга йўл очди, юклар истеъмолчиларга тезроқ етказиб бериладиган бўлиб қолди. Юк ташишда, уни ортиш ва туширишда банд бўлган ходимлар штатини анча қисқартириш имконияти туғилди. Шу йўл билан транспорт чиқимлари анча камайди. Шундай қилиб, **марказлаштирилган усулда юк ташишни тобора кенгайтириб бориш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масала бўлиб қолди.**

Кейинги ўн йил ичида умум фойдаланишдаги автомобиль транспортининг роли айниқса тез ўсди. Агар шу давр мобайнида республикадаги юк автотранспорти парки 1,9 марта ортган бўлса, умум фойдаланишдаги автотранспорт парки 14,5 баравар кўпайди.

Автомобиль хўжаликларини йириклаштириш бўйича ҳам анчагина иш қилинди. Ҳозир ҳар бир юк автомобили хўжалигига ўрта ҳисобда 152 та машина тўғри келади. Шу туфайли автомобиллардан фойдаланишнинг асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди. Юк ташиш таннархи 17,6 процент арзонлашди.

Аммо юк автомобиллари парки йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги ва улардан фойдаланишнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланганлигига қарамасдан, халқ хўжалигининг автотранспортга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилаётгани йўқ.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 15 июнь сонида иқтисод фанлари кандидати ўртоқ Х. Юсупалиевнинг «Юк автомобилларидан унумли фойдаланайлик» сарлавҳали мақоласи босилган. Автор жуда тўғри кўрсатиб ўтганидек, ҳали ҳам юк автомобилларининг қатнов коэффициенти жуда паст. Кейинги ўн йил ичида умум фойдаланишдаги автотранспорт бўйича бу кўрсаткич 2,2 процент камайди.

Ҳозир Халқ хўжалиги кенгаши ва қурилиш ташкилотларига қарашли ҳамда умум фойдаланишдаги автомобиль парклари ўртасида сира алоқа йўқ, юк ташиш ишлари ўзаро координация қилинмайди.

Турли министрликлар ва идораларнинг йирик автохўжаликлари ёнма-ён ишлаб турибди. Ҳали майда автохўжаликлар ҳам бор. Бу эса республикадаги автомобиль транспорти паркидан яхшироқ фойдаланишга халақит бермоқда, юк ташишни рационал ташкил этишга, хўжаликларни ихтисослаштиришга, ҳаракатдаги составлар ремонтини яхшироқ уюштиришга тўсиқ бўлмоқда, машиналар бир манзилга юк ташиб борса, қайтишда бўш келмоқда. Шунинг учун ҳам юк ташиш билан жуда кўп машиналар банд бўлмоқда. Бир мисол келтириб ўтайлик: Умум фойдаланишдаги транспорт хўжаликларига қарашли ҳамда қурилиш ташкилотларига қарашли автомобиллар (бу хўжаликлар Тошкент шаҳрида) Қўйлиқдаги карьердан инерт материаллар ташиб келтиради. Бир томонга юк ортиб бориб, қайтишда албатта бўш келадилар. Яна бир мисол: Сирдарё областидаги Жеттисой посёлкасида Сирдарё область автотрестига қарашли 21-ҳамда «Кировводстрой» трестига қарашли автотранспорт конторасининг 28-базалари бор. Бу базаларнинг машиналари асфальт битум заводидан Сирдарё — Ильич йўл қурилишига асфальт масса ташийдилар. Қайтишда эса бўш келадилар. Худди шу вақтнинг ўзида автотранспорт конторасига қарашли автомобиллар Чиноза, қум ва шағал ташиб келтириш учун йўлга чиқадилар. Айтилганлардан равшанки, агар автомобиллардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилса, улар юксиз ҳали Чиноза, ҳали йўл қурилишига қатнамас эди. Автомобилларнинг иш унуми ортган бўлур эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Автомобиль транспортининг бир қисми Халқ хўжалиги кенгаши ва бир қанча министрликлар ва идоралар ихтиёридир. Юк ташиш таннархини камайтириш ҳамда юк автомобиллари паркидан яхшироқ фойдаланиш юзасидан бир қанча актуал масалалар ана шу идоралар раҳбарларининг эътиборидан кўп вақт четда бўлади. Меҳнатни ташкил этишнинг илмий асослари кенг қўлланилаётган, автомобиль ремонтининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётган, республикада марказлаштирилган усулда юк ташиш тобора кенгаяётган бир вақтда республикадаги автомобиль паркига ягона раҳбарликни амалга ошириш замон талабидир. Автомобиль транспортини бирлаштиришнинг шарофати нимада айниқса яққол кўринади? Агар биз юк транспорти бўйича қатнов коэффициентини лоақал 0,5 процент кўтарсак, қўшимча равишда 3,1 миллион тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш мумкин бўлади. Юк ташиш таннархи кам деганда 2,5 миллион сўм арзонлашади.

Марказлаштирилган усулда юк ташишнинг ҳамма имкониятлари ҳали ишга солингани йўқ. Биз марказлаштирилган юк ташиш усулини янада такомиллаштиришимиз, иш маданиятини юксалтиришимиз керак. Шундай қилинганда умум фойдаланишдаги автотранспортнинг мавқеи ва роли яна ҳам ортади.

В. РАЖАБОВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг ўринбосари.

Ж. ШОРАҲМЕДОВ,
Марказлаштирилган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трестининг бошқарувчиси.

МАРОҚЛИ КЕЧА

Тошкент халқаро муносабатлар халқ университети Иттифоқимиздаги шундай университетларнинг тўнғичларидан бири. Университетнинг халқаро аҳвол бўйича лекторлар тайёрлаш ва умумий факультетларига мингдан ортиқ тингловчи жалб қилинган.

1964—65 йилларда бу университетда пойтахтимиз ишчилари, хизматчи, интеллигентлари ва бошқа турли касб эгаларидан 1227 киши таълим олди. 400 тингловчи пойтахтимиздаги турли ишлаб чиқариш корхоналарида доимий пропагандистлик вазифасини бажардилар.

Куни кеча Тошкент Офицерлар уйига мана шу халқ университетини битирган тингловчилар йиғилишди. Сўзга чиққанлар халқаро муносабатлар университетида чуқур билим ва катта тажриба орттирганликларини айтиб, ўқитувчилар ва университет раҳбарларига миннатдорчилик билдиридилар.

Кеча охирида лекторлар, ўқитувчи ва тингловчиларга Бутуниттифоқ, шаҳар ва ҳарбий округ «Билим» жамиятининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

К. МАҲМУДОВА.

● ● ●

ҚАРОР НЕГА БЕКОР ҚИЛИНДИ?

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Хоразм қурилиш-монтаж бошқармаси бошланғич партия ташкилотининг 1964 йил 14 сентябрдаги йиғилиши шу бошқарманинг бошлиғи Борис Чангонович Кимни КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул этди. Орадан саккиз ярим ой ўтди. Партия ташкилотининг 1965 йил 1 июндаги йиғилиши Борис Чангонович Кимни партия сафига номуносиб одам деб ҳисоблаб, уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилди. Хўш, нега бундай бўлди?

Бошланғич партия ташкилотининг сентябрдаги йиғилишидан кейин ўртоқ Б. Ч. Ким Урганч шаҳар партия комитети ташкилий бўлимига таклиф қилинди. Бўлимда партияга кириш бўйича ҳужжатлар кўздан кечирилиши, суҳбат ўтказилиши, сўнгра бошланғич партия ташкилотининг қарорини шаҳарком бюроси тасдиқлаши керак эди. Бироқ, бошлиқ ғалати иш тутди ва шаҳар партия комитетига қадам ранжида қилмади:

— Вақтим йўқ. Муҳим иш билан бандман.

Ҳар галги таклифга шу мазмунда жавоб олинаверди, кунлар ва ойлар ўтаверди. Бошланғич партия ташкилотининг секретари Григорий Васильевич Златогорский бошқарма бошлиғи Борис Чангонович Кимни безовта қилавериб, охири индамай қўйди. Ниҳоят, 1965 йил 1 июнда уни партия йиғилишига таклиф этди.

— Қатнашолмайман. Муҳим иш билан бандман.

— Бу галги йиғилишда сизнинг шахсий ишингиз кўрилади, албатта қатнашишингиз керак, — деди секретарь Златогорский тутоқиб.

Ким тўнини тескари кийганича туриб олди:

— Қатнашмайман дедимми, тамом. Гап битта бўлади!

Ўжар бошлиқ ўз деганини қилди, партия йиғилишида қатнашмади. Борис Чангонович Кимнинг партия масаласи йиғилишда унинг иштирокисиз муҳокама қилинди. Ташкилот секретарининг ахборотидан кейин 10 коммунист сўзга чиқди ва ҳаммаси бир оғиздан: Б. Ч. Ким партия сафида бўлиши мумкин эмас, уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилинсин, деган таклифни ўртага ташлади ва шундай қарор қабул этилди.

Йиғилишда қатнашган коммунистлар бирин-кетин сўзга чиқиб, бошқарма бошлиғининг раҳбар ходим шаънига ярашмайдиган хатти-ҳаракатини партиявий принципиаллик, муросасизлик билан фош қилдилар.

— Бошлиғимиз Борис Чангонович Ким кейинги даврда кеккайиб кетди, бюрократлашди, ишчилар билан қўпол муомала қилишга одатланди. У бошланғич партия ташкилотини менсимай қўйди, йиғилишларда қатнашишдан бош тортди. КПСС Устави ҳар бир коммунистдан юксак интизомли бўлишни талаб этади. Ўртоқ Кимни партия сафида қолдириш мумкин эмас деб ҳисоблайман, — деди инженер ўртоқ А. Д. Олейников.

Экскаваторчилар бригадири ўртоқ В. И. Обухов айниқса чуқур ҳаяжон билан гапирди:

— Коммунист деган номни покиза сақлаш ва юксак тутиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўртоқ Ким эса ўзини партия ташкилотидан юқори қўйди. Бундай ношуд кишиларга партиямиз сафида ўрин йўқ.

Старший мастер Раҳим Юсупов, дурадгорлар бригадири Болта Жуманиёзов, бинокор Тоҳир Отажонов ва бошқалар ҳам бошқарма бошлиғининг даҳаллиги ва кибрланиб кетганлигини қайд қилишди.

Дарҳақиқат, Б. Ч. Кимнинг тутган йўли, нотўғри ҳаракати унинг сиёсий савияси паст, ўзи ўта манман раҳбар эканлигини кўрсатди. Наҳотки у шаҳар партия комитетига бориш учун саккиз ярим ой давомида вақт тополмаган бўлса. Бошланғич партия ташкилотининг йиғилишларида қатнашишдан бош тортиш партиявий интизомни, КПСС Устави талабларини қўпол равишда бузиш-ку, ахир.

Бу ўринда бошланғич партия ташкилотига ҳам эътирозимиз бор. Ўртоқ В. Ч. Кимни КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул этишда шошма-шошарликка ва юзакичиликка йўл қўйилган. Унинг характеридаги ва кишилар билан муомала қилишидаги нуқсонлари ҳақида айтилган танқидий гапларга бефарқ қаралган, сиёсий тайёргарлиги қандай эканлиги суриштирилмаган, унга ҳеч қандай савол ҳам берилмаган.

Рекомендация ҳақида икки оғиз гап. КПСС аъзолигига кандидат бўлиб ўтиш учун Б. Ч. Кимга тажрибали ва боobрў раҳбарлардан уч киши — суғориш системалари область бошқармасининг бошлиғи М. Вафоев, «Туямўйинстрой» трестининг бошқарувчиси А. А. Корниенко, шу трестнинг бош инженери А. И. Инилеев ўртоқлар рекомендация беришган. Б. Ч. Кимнинг қандай одам эканлигини, сиёсий савияси ва ҳулқи-атворини бу ўртоқлар яхши билганмикинлар? Агар билмасалар, нега рекомендация беришган? Коммунист ўзи берган рекомендация учун жавобгарку. Ишончни оқламайдиган кишига рекомендация берган коммунист йўл қўйган хатоси учун партия олдида жавоб бериши керак.

Бошқарма бошлиғи Борис Чангонович Ким билан бўлган кўнгилсиз воқеа Урганч шаҳар партия комитети учун сабоқ бўлиши, бошланғич ташкилотлар партияга қабул қилиш масаласига жиддий ёндошишлари лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Оҳангарондаги темир-бетон буюмлари заводи саноат корхоналари ва маъмурий бинолар қурилиши учун буюмлар тайёрламоқда. Суратда: бетончилардан Сожида Холитова ва Абдусаид Исмандиёров. Улар смена топшириқларини 120 процентга етказиб бажармоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Совет Ўзбекистони ДА босилгандан КЕЙИН

«ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР»

Газетанинг шу йил 25 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Оққўрғон районидаги айрим хўжаликларда, жумладан Киров номли қишлоқ хўжалик артелида ғўза парвариши сусайтириб юборилгани, меҳнат интизоми бўшашиб кетгани қаттиқ танқид қилинган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари С. Тоиров имзоси билан олинган хатда бундай дейилади.

Танқидий мақола район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, келтирилган фактлар тўғри деб топилди. Ғўза парваришини кучайтиришга ишчи кучи ва механизмларни тўла сафарбар этмагани учун Киров номли колхоз раиси Д. Михайличенко ва партия комитетининг секретари Б. Лига қаттиқ чора кўрилди. Районда ғўза парваришини кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ЛУҒАТИ

Фразеология тилшунослигининг энг кам ишланган соҳаларидандир. Шунинг учун бу жабҳада илмий тадқиқот ишлари қўламини кенгайтириш ва фразеологик луғатлар тузиш ишини жадаллаштириш совет тилшунослари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Фразеологик луғатлар тузиш оддий луғат тузиш принципларидан жиддий фарқ қилади. Чунончи, бундай луғат яратиш учун аввало жуда бой фактик материал, катта картотека запасига эга бўлиш керак. Ҳар бир иборанинг нозик маъно хусусиятларини очиб бериш ва унинг турли-туман вариантларини аниқлаш учун баъзан юзлаб мисолларни бир-бирига қиёс қилиш ва таърифлашга тўғри келади.

Кейинги вақтларда Ленинград, Самарқанд ва Боку шаҳарларида фразеология масалалари бўйича Бутуниттифоқ илмий кенгашлари чақириляб, уларда фразеологик луғатлар тузишнинг бир қанча лойиҳалари муҳокама қилинди. Шунга қарамай, гарчи инглизча-русча, немисча-русча ва французча-русча икки тилли фразеологик луғатлар мавжуд бўлса ҳам, рус тилининг фразеологик лугати ҳозирга қадар яратилган эмас.

Тилшунос олим Шавкат Раҳматуллаевнинг яқинда Ўзбекистон «Фан» нашриётида чиқарилган «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати», Тожикистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Муллажон Фозиловнинг «Фарҳанги ибораҳои рехта» номли лугатидан кейин шу соҳада Иттифоқимизда яратилган иккинчи китоб, ўзининг шакли ва мундарижаси, тузилиш хусусиятлари жиҳатидан эса биринчи тажрибадир.

Ўзбек тилининг бу фразеологик лугати шу типдаги бошқа ишлардан, чунончи, «Кенг уйнинг келинчаги» тўплами ва ўзбек фразеологияси анча кенг акс эттирилган «Ўзбекча-русча лугат»дан ҳам жиддий фарқ қилади.

Аввало, автор луғатни ўзи ишлаб чиққан пухта назарий принциплар асосида тузган, натижада фразеологик бирликлар автор томонидан ўзбек тили фразеологиясининг табиатига тўла мос бўлиб тушадиган муайян илмий схема асосида жойлаштирилган. Унда ибораларнинг турли-туман вариантлари кўрсатилган ва уларнинг маъноси қисқа-қиска таърифлар билан чақиб берилган, шу сабабли уни изоҳли фразеологик луғат деб айтишга тўла асосимиз бор.

Луғатда ҳар бир фразеологик иборанинг нутқий, стилистик ва грамматик белгилари бирма-бир қайд қилинган, бунга қараб биз уларнинг бирикмага тенг қурилишли феъл ибора ёки гапга тенг қурилишли феъл ибора эканлигини, шахс-сонда ўзгариш ёки ўзгармаслик ҳоллари, уларнинг омоним, антоним ва синонимлари, турли вариантлари, сўз тартибининг ўзгариши ва ибора таркибидаги таянч сўзни almashtириш ёки туширib қолдириш йўли билан унинг маъносини ўзгартириш ҳодисаларини билиб оламиз.

Шундай қилиб, ушбу луғатга фақат фразеологик иборалар тўпламигина эмас, шу билан бирга, авторнинг узоқ йиллик тажриба ва кузатишлари маҳсули, махсус назарий-лингвистик аҳамиятга эга бўлган жиддий илмий асар ҳам деб қарамоқ керак. Зотан, у фразеология назарияси соҳасида мавжуд бўлган жуда кўп муаммоларга жавоб бериши билан бирга, янгидан-янги проблемаларни ўртага қўяди ва келгусида бу соҳада илмий тадқиқот ишларни кенгайтиришга катта йўл очади.

Ўзбек тилида сўзларнинг семантик (маъно) томондан бирикиш хусусиятларини фразеологик материал асосида ўрганиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Сўзларнинг семантик бирикиш хусусиятлари ҳамда тўғри ва фразеологик маъно англатиш нормаларини аниқлаш, бизнингча, яқин келажакда тамомила янги типдаги луғатлар яратиш имкониятини туғдирса керак. Ушбу фразеологик луғатнинг ўзини ҳам ана шундай янги типдаги қалдирғоч лугат деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, Ш. Раҳматуллаев тузган луғат фразеологик бирликларнинг лексик таркиби, уларда сўз тартиби, компонентларнинг алмашиш ва ўзгариш хусусиятлари ҳамда бошқа стилистик ва грамматик ҳодисаларни муфассал акс эттиради. Ана шу маълумотлар асосида сўзларнинг фразеологик маъно англатиш нормаларини акс эттирувчи илмий жадваллар тузиш мумкин. Бундай жадвалларда, масалан, **кўтармоқ, қовушмоқ** ёки **олмоқ** феълларининг қандай сўзлар билан бирикишини ёхуд **кўнгил** ёки **жон** сўзларининг қандай феъллар билан бирикиб, қанақа кўчма маъноларни англатишини аниқ белгилаш мумкин. Бу эса кейинчалик лингвостатистика методидан фойдаланиб, янги қўлланмалар яратишга имкон туғдирган бўлар эди.

Бундан ташқари, Ш. Раҳматуллаевнинг изоҳли фразеологик луғати фақат ўзбек тили материали асосида тузилган бўлса ҳам, у ўзбекчадан рус тилига таржима қилувчи ёзувчи ва таржимонлар учун жуда муҳим қўлланма бўлиб қолади. Чунончи, унда ўзбекча-русча луғатда берилмаган жуда кўп фразеологизмлар бўлиши билан бирга, мавжуд кўпгина ибораларнинг янги-янги маъноларини кашф қилинган. Масалан, ўзбекча-русча луғатда **жони халқумига келди** ибораси умуман берилмаган бўлса, фразеологик луғатда унинг тўртта маъноси очилган (64-бет). Шунингдек, ўзбекча-русча луғатда **жон кирди—ожил, йўлга солмоқ—направлять** деб кўя қолинган бўлса (159, 194-бетлар), фразеологик луғатда улардан ҳар бирининг тўрттадан маъноси берилган (64-65, 79-бетлар).

Бир тилдан иккинчисига усталик билан таржима қилинган фразеологик ибора фикрнинг равон, ихчам ва гўзал формада ифодаланишини таъминласа, кўр-кўрона таржима тасвирни хира, мазмунни саёз, мантиқни эса суюқлаштириб қўяди.

Фразеологик луғатда **ёқасини ушламоқ** ибораси **ниҳоят даражада ажабланмоқ** деб таърифланади (56-бет). Бундан хабардор бўлган таржимон энди, бир вақтлар бўлгани каби, Ойбек ҳикояларидан бирида ишлатилган «Кампир **тавба** деб ёқасини ушлади» иборасини «старуха поправила зачем-то воротник платья» (Н. Владимирова таржимаси) деб ағдармаса керак. Зотан, ўзбек тилининг бошқа тилларга айнан ҳижжалаб таржима қилганда жуда ғализлашиб кетадиган, аммо ўзининг асл нусхасида ғоят чуқур маъно ва нозик ҳиссиётларни ифодаловчи бебаҳо фразеологик бойлиги билан таништирувчи бу ажойиб луғат таржимачилик практикасида тил ва маслик натижасида йўл қўйилаётган бу каби кўпол қусурларга барҳам бериш, нутқ маданиятини кўтариш учун ҳам хизмат қилади, деган умиддамиз.

Ўзбек тили тарихида биринчи марта яратилган ушбу луғат фразеологизмларнинг турли маъноларини билиб олиш ва уларнинг ҳар хил вариантларидан амалий ишда фойдаланишда еш қаламкашлар, матбуот ва нашриёт ходимлари ҳамда барча адабиёт муҳлисларига жуда қўл келади.

Автор фразеологик луғатнинг академик нашрига муайян назарий концепция ва ўз илмий даъволарига тўла мос бўлиб тушадиган фразеологик бирликларнигина киритиб, ўз вазифасини тўла бажарган. Келгусида китобхон мукаммал изоҳли фразеологик луғатнинг оммавий нашрини кутади.

«Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» совет туркологиясида биринчи тажриба. Муҳим илмий ва амалий қимматга эга бўлган асар, филология фанлари кандидати Ш. Раҳматуллаевнинг ўзбек тили фразеологияси масалаларини ўрганиш соҳасида қўлга киритган жиддий ютуғидир.

Ғ. САЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

УЯЛИШМАСМИКИН?

Профессор Ҳаким Зоҳидийнинг «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 19 май сонида босилган одоб ҳақидаги мулоҳазаларини ўқиб, газета бу муҳим тарбиявий масалага катта эътибор берганидан хурсанд бўлдим. Шу пайт кўз ўнгимда қишлоғимиз ёшлари жонланди.

Қишлоғимиздаги жуда кўп ёшлар жамиятга фойдали меҳнат қилишяпти, улар ўқиш, билимини ошириш билан банд. Лекин, ёшларнинг орасида шундайлари ҳам борки, улар ҳали эскилик сарқитларидан қутулмаган, кишиларни ҳамёнига, амалига қараб ҳурмат қиладилар.

Қибрай қишлоғидаги ўрта мактабни битирмай, ўқишни ташлаб кетган айрим ёшларни танийман. Улар савдо шохобчаларига жойлашиб олиб, халқ тийинлари ҳисобига бойлик орттиришга муккасидан кетишган.

Яқинда қишлоғимиздаги бир қизнинг тўйига бордим. У ерда тўрт-беш магазинчи қизнинг тўйига чиқиб олиб, одобни ҳам унутиб, номуносиб сўзлар билан «чақчақлашиб» ўтиришибди. Улардан 15-20 ёш катта бўлган ўқитувчилари эса пастда, пойгакда ўтиришибди. Бу одобсизликни кўриб, кўнглим ранжиди ва тўйдан секин чиқиб кетдим.

Бу йигитлар кишиларни назарга илмаганига қарамай, яна уларнинг ҳақига хиёнат қилишдан уялмайдилар. Хўжалик моллари магазинининг мудири С. Раҳматов ҳар бири 15 тийинлик 1.500 дона пиёлани 25 тийиндан, 16 сўмлик ёстиқларни эса 19 сўмдан сотди.

Қишлоғимиздаги айрим магазинчиларнинг юлғичлигидан безор бўлганидан кишилар, ишдан қолиб бўлса ҳам, 15-20 километрлаб йўл босиб Тошкент ёки Чирчиқдан газлама, мой, ширинлик олиб келишади.

Қибрай қишлоқ матлубот жамияти правлениесининг аъзоси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича раис ўринбосари С. Зокиров ҳам ўзини осмон фаҳмлаб, меҳнаткашларни кўзга илмайди. Ўтган йили С. Зокиров 15 тонна картошкани саралаб қўмдирмагани учун, унинг 60 процентдан кўпроги чириб кетди. Зокиров баъзан молларга ўз-бошимчалик билан нарх қўяди. Шу йилнинг апрель ойида Озарбайжондан сотиш учун отлар келтирилган эди. Зокиров тирик вазни 100 килограммга ҳам етмайдиган тойга 400 сўм баҳо қўйибди! Матлубот ходимларини тарбия қиладиган кишининг иши бу!

Қишлоқ матлубот жамиятида ёшлар кўп. Район партия комитети, совет ташкилотлари бу ёшларнинг одоби, хулқи ҳақида ўйлаб кўришар, деган умиддамиз. Шундагина қишлоғимиз янада равнақ топади.

Олим БОБОКАЛОНОВ,
кекса газетахон.
Тошкент область, Оржоникидзе райони.

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

Андижон районидаги «Правда» колхозининг Абдуқодир Қурбонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб боряптилар. Улар ғўзани сифатли культивация қилиб, саратон сувига қондирмоқдалар. Суратда: бригада сувчиси Болтабой Режабов экинга ўзи тараган сувга завқ билан боқиб турибди.

У. Раҳимов фотоси.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН ЙИГИТ

— Шарифжон ака, ҳой Шарифжон ака!

Ҳозиргина ўғил-қизларини мактабга жўнатиб, дастурхонни энди йиғаётган Рихсиой кўчадан келган овозни эшитди-да дарвозага шошилди.

— Келинг, келинг Эгамберди ўғлим, қани уйга, чой тайёр, — таклиф этди Рихсиой.

— Раҳмат, янга, раҳмат — йигит миннатдорчилик билдирди.— Шошиб турибман, Шариф акада инки оғиз гапим бор эди.

— Шарифжон акангиз алланачон далага кетган,— аёл кулиб жавоб берди. — Бундан бу ёғи у кишининг кўзидан уйку қочади, энди кетиши тонг саҳар-у, келиши ярим кеча бўлаверади, қайним.

Йигит шошиб, довдираб қолди, унинг юзлари қизариб кетди: Рихсиойнинг кулиб жавоб бериши, «алланачон» сўзини ургу билан айтиши унга гўё «сиз ҳалиям имирсилаб юрибсизми?» дегандай туюлди. Бутун бир участкининг бошлиғини тонг саҳарда уйидан учрата олмай, «алланачон далага кетди», деб эшитиб турса-ю, звено бошлиғи бўла туриб ўзи ҳалиям далага чиқмаса, уят эмасми, ахир. Ғўза гуллаяпти, энди бу ёғи ўзи бўлаверадими? Йўқ, парваришга зўр бериш керак.

— Ҳайр, раҳмат, янга!— деди-ю, Эгамберди кўчага отилди. У кейинги «раҳмат»ини тонг саҳарда далага кетган Шарифжонга айтдими, ёки Рихсиойга айтдими, ўзи ҳам билмасди. У жадал юриб шийпон олдидаги олти гектарли майдонга етиб келганида, вазмингина қадам ташлаб эгатлар оралаб юрган икки кишини кўрди. Улар гоҳ энгашиб, ғўза тупларини ушлаб кўришар, гоҳ бир-бирига инманидир уқтиришарди.

— Ана, звеновой ҳам келиб қолди,— бунилмайдиган ўнг оёғини силтаб босаётган, чўққи соқол, кексароқ киши ёнларига келиб қолган Эгамбердини кўрсатди. Кенг елкали, бўйчан, бақувват қора йигит ҳам Эгамберди билан қуюқ сўрашди.

— Мана эски фронтовиклар далангни кезиб, парваришни кучайтириш учун «хужум» қилиш режасини тузиб юрибмиз, ука.— Қора йигит жилмайиб гапирди. Ёшлигидан озиқлантирилиб, яхши парваришқилинган ғўза мўлжалдаги ҳосилни бериши турган гап,

— Шарифжон тўғри айтади, — унинг сўзини қувватлади кексароғи.— суғоришга эҳтиёт бўлинг, сув пуштани босиб кетмасин. Ғўзангизнинг ҳозирги ривожи анча дуруст.

Кўп йилдан бери тракторни бошқариб келаётган Эгамберди Бердиқулов ғўзани икки томонлама культивация қилиб кетаверар эди-ю, бунақа маромида суғориш деган гапга унча эътибор бермасди. Унга трактори тўхтамай юриб турса, бригадир кўрсатган ғўза қатор ораларидан юриб кетаверса бас эди. Мана бу йил колхоз правлениеси, кўпчилик ишонч билдириб, уни звено бошлиғи қилиб тайинлашди, 45 гектар ер, техника, ишчи кучи ажратиб беришди...

«Дарё сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади», деганларидай, Шарифжон ҳам ўз қадрини ҳалол меҳнатидан топди. Қишлоқнинг кексалари «Зап меҳнатсевар азамат йигит-да», деб мақташса, кичиклари «Шарифжон ака», деб унга тез-тез мурожаат қилади, маслаҳат сўрайди. Улуғ Ватан уруши бошланган да у навқирон — 20 яшар йигит эди. «Ҳамма ёвуз фашизмга қарши курашга!» деган Ватан амри жаранглаганда, Шарифжон биринчилар қатори жангга отланди. Девқоматли йигитни «уруш худоси» бўлимига — даҳшатли 305 миллиметр калибрли оғир тўплар билан қуролланган 281-махсус артиллерия дивизионига юборишдилар. У Карелия бўйларида душманга қақшатғич зарба беришда қатнашди, қадимий рус шаҳри — Нарвани озод қилишга ҳисса қўшди, Кенигсберг шаҳрини эгаллашда жасорат кўрсатди. Ёвуз душман ўз уясида янчиб ташланган, қолиб-лар сафида Шарифжон ҳам кўкси ярақлаб, ўзи туғилиб ўсган қишлоғига — ҳозирги Калинин районидаги Фрунзе номли колхозга қайтиб келди.

Мана, орадан йигирма йил ўтдики, коммунист Шарифжон Хушназаров пахтакорлик касбини улуғлаб келаётир. Дастлабки йилларда қўлига кетмон олиб, оддий колхозчи бўлиб ишлади, ғўзани чопиқ қилди, суғорди, ҳар қандай топшириқни ортиғи билан адо этиб юрди. Қарийб тўрт йил жанг майдонида ўт ичида юрган йигит тинч меҳнатни — пахтазорни ғоят соғинган эди. «Ҳалол қилсанг меҳнатни, топарсан иззат-ҳурматни» деб бекорга айтмаган эканлар. Орадан кўп ўтмай, уни колхоздаги йирик бригадалардан бирига раҳбар қилиб сайлашди. Меҳнатни виждон, ор-номус иши деб билган Шарифжон елди-югурди, эрта туриб, кеч ётди, ўз даласида етиштирилган мўл ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиб териб, давлат омборига топширмагунча тинчимади. Бригаданинг плани тўлиқ, аъзоларининг юзи ёруғ бўлди.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти қайси бригада орқада қолса, қайси соҳа оқса-са, ўша ерга жанг ва меҳнатда тобланган, ишончи оқлашда синалган коммунист Шарифжон Хушназаровни юборадиган бўлди. Қарийб 18 йил бригадага бошчилик қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг миридансиригача билиб олган Шарифжонни бундан инки йил олдин бир йиллик курсга ўқишга юборишди.

Амалий билимини, тажрибасини назария билан бойитиб олган Шарифжон ўтган йилдан бери колхознинг Фрунзе номли, Стаханов номли участкаларига бошчилик қилиб келаётир. Ўтган йили унинг участкасидаги бригадаларнинг ҳаммаси ҳам пахта планини ошириб бажарди. Мўл ҳосил етиштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган Улмасхон Анорбоева «Ҳурмат белгиси» ордени, Усаржон Ғаниев эса «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди.

Шарифжон пахтачиликни комплекс механизациялаштиришнинг астойдил тарафдори. Бу йил унинг участкасидаги ҳамма звеноларга синаллар механизаторлар бошчилик қилмоқда. Ҳар бир звенога 45-50 гектардан ер ажратиб берилган. Усаржон Ғаниев, Мухтор Абдазов, Ҳасан Ғаниев, Эгамберди Бердиқулов, Кўчқор Тасимов каби азаматлар агрегатларни ўзлари бошқариб, қатор ораларини культивация қилишяпти. Ҳозиргача уч марта парвариш қилинган ғўзалар мавж уриб ўсмоқда.

Қишлоқ хўжалигини тубдан ривожлантириш, деҳқонларнинг, жумладан пахтакорларнинг турмушини янада фаровон қилиш ҳақидаги КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорлари кўплар қатори Шарифжоннинг қалбига қувонч, билагига куч бағишлади, янада мардона меҳнат қилишга руҳлантириб юборди. Шунинг учун ҳам у кун бўйи дала кезиб, звенодан-звенога, бригададан-бригадага ўтмоқда, нуқсонларни йўқотиш, ютуқларни мустаҳкамлаш учун жон куйдирмоқда, текис шонолаб, гулга кираётган ғўзаларни кўриб қувонмоқда.

Эл-юртини севган йигит эл-юрти учун жон куйдиради, меҳнатда тобланган йигит яна шу меҳнатда жонбозлик кўрсатади. Коммунист Шарифжон Хушназаров ҳам шунақа деҳқонларимиздан.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,

АМАЛИЙ ЁРДАМ

ТЕРМИЗ. («Совет Узбекистони» мухбири). Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти терапея кафедраси ходимларидан бир группаси Сурхондарёга келишди.

Тошкентлик медицина мутахассислари қишлоқлардаги участка касалхоналари ходимлари учун нафас олиш органларининг касалликлари ҳақида амалий машғулотлар ўтказдилар.

Врачлардан бир қисми область районларидаги касалхоналар ва у ердаги беморларнинг аҳволини кўздан кечириб, консультациялар бермоқдалар, қишлоқлардаги врачлар учун семинарлар ўтказмоқдалар.

Газетхонлар хатларидан

ШИФОКОР

Эл-юрт саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган шифокорлар ҳақида юрак сўзлари ёзилган хатлар редакциямизга кўплаб келиб туради. Мактуб авторлари ўз касбини шарафлаётган, совет врачи деган юксак номни пок сақлаётган, ширин сўз шифокорлар ҳақида тўлқинланиб ёзадилар.

— Шифокор! Биргина шу сўз заминида олам-олам маъно бор, — деб ёзибди Сирдарё областидан Қ. Тожибоев. — Бу сўзни эшитганингда дардинга шифо бахш этувчи ғамхўр, меҳрибон ва олижаноб киши кўз олдингда намоён бўлади.

Саидазим Саидвалиев шундай шифокорлардан бири. У 1954 йили Тошкент Давлат медицина институтини тугатгач, Мирзачўлга йўлланма олди. Ўз устида тинмай ишлаши ва беморларга сидқидилдан ғамхўрлик қилиши Саидазимга катта обрў ва ҳурмат келтирди. У ҳозир Сирдарё районининг Верхне-Волинск посёлкасидаги касалхонанинг бош врачи бўлиб ишлаяпти. Моҳир шифокорнинг Гулчеҳра Бўтаева, Олия Сорнева, Ёқуб Сиддиқов каби шогирдлари ҳам ўз ишларини яхши билишлари ва хушмуомалаликлари туфайли меҳнаткашлар орасида ҳурмат-эътиборга сазоворлар.

Меҳрибон врач ва актив жамоатчи С. Саидвалиевнинг халқ саломатлигини мустаҳкамлашдаги ҳалол хизматларини партия ва ҳукуматимиз бир неча бор муносиб тақдирлаган. Яқинда эса у СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига асосан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Сирдарё область Жетисой районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози учинчи бўлими медпунктининг фельдшери Илёс Ўскенбаевнинг намунали ишлари ҳақида шу совхознинг ишчиси И. Худойбердиев ёзиб юборган.

Миннатдорчилик сўзлари ёзилган А. Эркабоевнинг Фарғонадан йўллаган хати ҳам диққатга сазовордир. «Жим, операция бормоқда» деган сўзлар эшик тепасида ўчиб-ёниб турибди, — деб ёзади мактуб автори ўз хатида. Операция столи устида ўпкасига махсус аппаратдан кислород юборилаётган бемор ётибди. Моҳир хирург Юсуфжон Азизов бутун билим ва тажрибасини ишга солиб, бемор ўпкасидаги касалланган жойни кесиб ташлаяпти. Операция муваффақиятли тугади. Бемор сал вақтдан кейин тузалиб кетди.

Юсуфжон ёшлигидаёқ медицинага алоҳида меҳр қўйди. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, Тошкент Давлат медицина институтига ўқишга кирди. 1959 йили врачлик дипломи билан Намангандаги республика сил касаллигига қарши кураш ва меҳнат санаторийсига йўлланма олди. Ёш шифокор бу ерда тажрибали хирург Е. И. Юсман раҳбарлигида иш олиб борди. Санаторийга келиб Юсуфжон қўлида даволаниб кетганлар жуда кўп. Улар меҳрибон шифокорларга тез-тез миннатдорчилик хатлари ёзиб турадилар.

Искандар ака Гулманов Гурлан районидаги марказий касалхонада ўн беш йилдан бери бош врач бўлиб ишлаб келяпти. У шу даврнинг ичида жуда кўп беморларни оғир дарддан қутқазди, айримларни эса ўлим чангалидан олиб қолди. Гурланлик Камол Норматов, Матёсуп Матёқубов, Кенжа Давлетов, Бикажон Матёқубовалар Искандар акаларнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар, чунки шифокор уларни даволаб, меҳнат майдонига қайтарган. Партия ва ҳукуматимиз Искандар ака Гулмановнинг хизматларини юқори баҳолаб, уни «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлади.

Бухоро область Свердлов район касалхонасида ётиб даволанган И. Раҳматов, Д. Иззатов, М. Қудратова ва Г. Сатторовларнинг хат олдик. Улар хатда касалхонанинг аҳил коллективига, хусусан, хирургия бўлимларидаги ҳамшира Анна Сергеевна Жуновага беморларга нисбатан меҳрибон, хушфеъл ва ғамхўр бўлганликлари учун чексиз миннатдорчилик билдиришган. Хат эгалари ширин сўз Анна Сергеевнага узоқ умр ва соғлиқ тилаганлар. Бухоро районидаги Хайработча қишлоқ Совети марказида очилган касалхона меҳнаткашларни 25 километр узоқдаги марказий касалхонага қатнашдан қутқазди. Касалхонанинг бош врачи И. Саломов колхозчилар ҳузурига тез-тез бориб туради, колхоз радиоузели орқали эса ҳар хил темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказади. Ўртоқ Саломов касбини сидқидилдан севиши ва эъзозлаши туфайли барчанинг ҳурматига сазовор бўляпти, — дейди бу хабарни йўллаган Қ. Насимов.

Зарқарё районидаги «Гулбоғ» совхозида касалхона учун 50 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳақида қишлоқ мухбири Б. Маҳмудов «Совхоз шифохонаси» сарлавҳали хабар ёзиб юборибди.

«Тўсатдан томогимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди, — деб ёзади маргилонлик Қ. Пўлатова ўз хатида, — оғриқ зўрайиб, овқатнигина эмас, балки сут, сувни ҳам қийинчилик билан ута бошладим. Врачлар дарҳол мени Фарғонадаги онкология диспансерига жойлаштиришди. Бир ойча ётиб даволандим. Кун сайин ўзимни енгил ҳис қилдим, иштаҳам яхши, оғриқларим бутунлай йўқолди. Мен оғир рак касаллигининг бир тури билан оғриган эканман. Ана шу касалликдан мени ва бошқаларни қутқазган врач Неъматов ва унинг ҳамкасб дўстларига газета орқали минг-минг раҳматлар айтаман».

Газетхонлардан самарқандлик Н. Бойжуродов, сурхондарёлик М. Расулева, фарғоналик Ш. Турсунов, андижонлик Ж. Очилов, тошкентлик Т. Носирхўжаев, Х. Бойбўтаев ва солдат Х. Аҳмедов ўртоқлар ҳам редакцияга юборган хатларида қўли гул шифокорларга миннатдорчилик изҳор этишган.

СУВДА БАЛҚИГАН ОЙ

РЕПОРТАЖ

Чўлп-чўлп этган товуш зим-зиё тун осойишталигини бузиб турадч. Гоҳ у, гоҳ бу пайкалда чироқ милтиллайди.

— Ерсан, катта фонаримиз чиқяпти, — деди қўшни полчаларда сувнинг рахини кузатиб юрган Чу Дюн.

Ерсан қўлидаги тошфонарни пуфлаб ўчирди. Сув эркалангандек тиззасига чўлп-чўлп урилиб турарди. Аму ортидан жилмайиб ширмой нондек ой кўтарилди. Тўртбурчак пайкалларидаги сувда сон-саноқсиз ойчалар қалқий бошлади.

Сувчиларга ҳалақит бермаслик учун шоликорларнинг ёзги уйи—чайлада смена бўшашини кутиб турдик. Эрталаб сувчилар устози Андрей Шегай келди. Шоликорларнинг ишлари тўғрисида ҳангомалашдик.

— Ўзбекилар палов еб, устидан тўйиб сув ичишади, — деди Андрей. — Ҳа, деб сўрасангиз, «гуруч энди сувга тўйдч» дейишади. Бу бекиз эмас, Шоли сув экини, уруғи тупроққа тушган кундан бошлаб то бошоғи етилиб пишгунча «оёғи» сувда туради. Айниқса сув тақчис бўлган бу йилги шароитда унинг «инжиқлик»лари кўп бўлади.

«Қораўзак» совхози механизаторлари Чимбой районидагина эмас, балки Автоном республикада биринчи бўлиб минг гектар майдонга шоли экиб бўлган эдилар. Асосий майдонларга серҳосил нав уруғ экилди. Кечикилган майдонларга эса эртапишар «Дубовский» нав уруғ сочилди. Шундай қилиб, ҳамма майдонларда ҳосилнинг бир вақтда пишиши учун имконият яратилди. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, пайкаллларга ўз вақтида сув қўйиш ҳам мўл ҳосил учун курашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли улар минг гектарга сувни ҳам биринчи бўлиб қўйдилар.

— Энди асосий вазифамиз, — дейди биринчи бўлим бошқарувчиси Жумабой ака Давлатбоев,— пайкалларда сувнинг бир меъёрда туришини таъминлашдан иборат. Юз кун давомида шоли «тиззасигача сувда туради. Сувчи кундузи ҳам, тунда ҳам ундан хабардор. Шоли сезгир экин. Бирор сувчини тунда уйқу эзиб, «бир оз ухлаб олсам нима қилади», деб дангасалик қилса, кузда таросидан ютқизади. Сувчиларимиз Андрей Шегай, Ерсан Оҳунов, Степан Лилар буни яхши билишади. Шу сабабли туни билан шолизорда чироқлар милтиллайди.

Дарёда, каналларда сувнинг камайиб қолиши шоликорларнинг ишини анча мушкуллаштирди. Лекин улар бу қийинчилик олдида довдираб қолмадилар. Ақл билан иш кўриб, янги резервларни қидириб топмоқдалар. Совхоз шолипояларини суториб туриш учун норма бўйича ҳар секундда ўн икки-ўн уч кубометр сув келиб туриши керак. Ариқлардан эса тўқиз-ўн кубометр сув келяпти. Қўшни хўжаликлардан ҳам нажот кутиб бўлмайди. Нима қилиш керак?

— Оқавадан фойдаланиш керак. — дейишди тажрибали сувчилар. Ҳозир совхозда ҳар литр сув ҳисобда. Зовурларга жуда оз сув ташланмоқда. Сув пайкаллардан ариқларигача нисбатан анча секин оқизилади. Бу сувни тежаш имконини беряпти.

Каналларга ўрнатилган олти насос ариқ-ариқ сувни «елкаси»га даст кўтариб, экинзорларга оқизмоқда. Бу насослар ёнида яна олти насос «ёнг шимариб», хизматга тайёрмиз дегандек шай турибди. Ишлаётган насослардан бирортаси бузилса, бу насослар ишга туширилади.

Пайкалларни кўм-кўм майсалар қоплаб олган. Шоликорлар экиннинг тез етилиши ва мўл ҳосил бериши учун ҳар гектар ерга 3-4 центнердан фосфорли ўғит солдилар. Ҳозир экинзорларга азот солиняпти.

Партиямиз Марказий Комитети март Пленумчнинг деҳқонларнинг дилига яқин қарорлари шоликорларни янги зафарларга руҳлантириб юборди. Давлат ҳар центнер ҳосилга илгаригига нисбатан саккиз сўм кўп пул тўлайди. Агар ҳар гектардан 30 центнердан ҳосил олинса, совхоз қариб инки юз аллик минг сўм қўшимча даромад олади.

Шолипояларда иш қайноқ. Аму терлаб-пишиб далаларга сув ташиса, сахий қуёшимиз илиқ бағридаги ҳарорат билан экинни эмизиб, майсалар қулоғидан тортқилайди. Тунда ой ҳам деҳқон хизматига тайёр, лаббай, деб осмонда таъзим этиб туради. Пайкаллардаги сувда сонсиз ойчалар балқиб туради...

Самар НУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЮГОСЛАВИЯ МУТАХАССИСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИРРИГАТОРЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Югославиянинг Загреб шаҳридан бир группа инженер-гидротехниклар Ўзбекистон ирригаторлари ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар. Дўст мамлакат вакиллари республиканинг сув хўжалиги қурилишида тўплаган тажрибалари билан бир неча кун давомида танишдилар. Улар катта Фарғона каналини бориб кўрдилар, Каркидон сув омборини қураётган мутахассислар билан учрашдилар, Ўзбекистон ССР лойиҳа ташкилотлари ва сув хўжалиги министрлиги раҳбарлари билан суҳбатлашдилар.

Хорватия сув хўжалиги ташкилотлари союзининг раиси П. Бранко Югославия гидротехниклари номидан бундай деди: Биз ўз ишимизда совет мутахассислари тажрибасидан фойдалана олишимиз билан қувонамиз. Ўзбекистонда ўзимиз учун кўпгина қимматли нарсаларни билиб олдик. Республикада ирригация ва энергетика соҳасидаги вазифаларни айни бир вақтда ҳал этишга имкон берадиган сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш соҳасида республикада олиб борилаётган ишлар бизни айниқса қизиқтирди. Бизга қардошларча ёрдам кўрсатганликлари учун Ўзбек ҳамкасбларимизга чин юрақдан ташаккур билдирамиз. Бу ёрдам мамлакатларимиз ўртасида кучайиб бораётган ҳамкорлиқнинг конкрет ифодасидир.

(ЎзТАГ).

Чингиз Айтматов

Сув ҳиссаси

Ўшандан бери орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Уларнинг иккаласи ҳам урушдан бир вақтда қайтиб келишди, иккови ҳам мироб бўлиб бирга ишлаб юришди. Қоратойнинг огир табиатлилиги ва тунд мижозига қарамасдан улар ўртасидаги дўстлик алоқалари аввалгидай давом этаверди. Бироқ, кунлардан бирида Собирбек ўз ўртоғи Қоратойнинг қаллиғи Хонимгули севар эмиш, деган сўз чиқиб, овулда миш-миш гаплар тарқалди. Шу-шу Қоратойнинг дўстидан қўнгли совиб, ундан узоқлаша бошлади. Қоратой Хонимгулга уйлангандан кейин ҳам Собирбекка очиқ кўнгил билан қўл бергани йўқ. Қоратой бу ҳақда қанча ўйлаб кўрса ҳам, бир қарорга келолмай, сабр косаси тўлиб юрди. Бунинг сабаби ҳам бор эди, албатта, у сиртдан қараганда унчалик сездирмай юргани билан Хонимгулни жондан азиз кўрарди. Унинг рашк қилиши ҳам шунга яраша эди: Хонимгулга бирор киши кулиб қарадими, бўлди, жонажон дўстими, туғишган кишисими — ким бўлишидан қатъи назар, заҳарини сочиб, ҳазилми, чинми суриштириб ўтирмасдан, қўлга тушса шу заҳотиёқ жиққамуштлашишдан ҳам қайтмасди.

Илгаридан шубҳаланиб юрган ёмон ниятли Қоратой Собирбекнинг ҳар бир босган қадамини кузатиб юриб, унга нафрат билан қарай бошлади. Буни сезган Собирбек ҳам у билан кўпдан бери гапиришмас эди. Қоратой Собирбекнинг бундай юришини кўриб ўзича, у Хонимгулни унутолмаяпти. Собирбек менинг бахтимга чанг солмоқчи, деб ўзидан-ўзи гумонсираб юрди. Бора-бора Қоратой Собирбекнинг меҳнатда эришган ютуқларига ҳам ҳасад билан қарай бошлади. Сиртдан қараганда, у Собирбек эришган муваффақиятларни назар-писанд қилмай юрган бўлса ҳам, аслида уни кўрганда ичидан зил кетиб юрарди. Тўғри, Қоратой ҳам Собирбекдан орқада қолиб кетмаслик учун ҳаракат қилди. Бироқ унинг ишлари нима учундир илгари босмади. Булар Қоратойнинг қалбини баттарроқ тирнаб ўтгарди, эски қадрлоқидан ўрнак олишга, ёрдам сўрашга, унга бошимни эгиб бораманми, деган ғурур йўл бермасди. Собирбек бўлса ўчакишгандай номи халқ оғзидан тушмай мақталиб, борган сари обрў-эътибори ортиб бораётган эди. Сўнгги вақтларда Қоратой буни халқ тугул ўз хотинининг оғзидан ҳам эшитиб қолди. Кунлардан бирида Хонимгул Собирбекнинг сурати босилган газетадаги мақолани ўқиб ўтирган эди. Бунга кўзи тушиб қолган Қоратой ҳадеганда сир бой бермай жимгина турди-да, сўнг сабри чидаёлмай:

— Ие, яна сенинг Собирбегинг ҳақида ёзишибдими? Қани, яна нималар деб мақташибди! — деб, рашки келиб, ичидан куйиб бораётганини сездирмасликка ҳаракат қилиб кулимсираб қўйди. Бундан бир оз олдинроқ Хонимгул дугоналари билан бирга Собирбекларнинг қишлоғида кўйилган кинога бориб келган эди. Айтишларича, у ерда Собирбек билан Хонимгул ёнма-ён ўтиришиб, кинони ҳам кўрмасдан, бир-бирлари билан гапиришиб ўтирган эмиш. Буни эшитган Қоратой хотини билан очиқчасига гаплашиб олмоқчи бўлди, бироқ у нари-бери ўйлаб: — Бизнинг овулимизда шу кунгача клуб қурилмаганига ким айбдор? — деди-ю, яна шаштидан тушди.

Бошидан кечгаларни шу тарзда ўйлаб борар экан Қоратой «Учтепа»даги экинзорлар томон қандай етиб келганини билмай қолди. У энди жўхориларнинг қай аҳволда эканлигини ўз кўзи билан кўрди. Қўрганларига ишонгиси келмай, кўзларини уқалаб-уқалаб кўйди. Лекин бу билан манзара ўзгармади. Сарғиш тортиб қуйиб ётган бўз тупроқ ғуғурт чақсанг лоп этиб ёниб кетгудай. Жўхорилар бўлса аллақачон қуриб жазирама қуёш нурига тоб беролмай япроқларини пайча сиғгари қат-қат ўраб олган эди. Она ер, у экинга сут беради, ҳаёт бахш этади. Лекин, ҳозир унинг сути йўқ, эгасиз қолган жўхорилар аянчли аҳволга тушиб бари бир овозан: «Бизга сув керак! Сув! Тезроқ бир томчи бўлса ҳам сув керак!» дея илинж ёлвораётгандай эди. Ана шу пайтда Қоратойнинг юраги ҳақиқатан ҳам изтироб чекиб, эзиқиб ғиримоқда эди.Шунда унинг қулоқлари остида яна Собирбекнинг овози жаранглаб эшитилгандай бўлди. Ҳа, ростдан ҳам унинг қулоғига: «Сен миробсан, сув қўлингда, ҳосил учун сен жавоб берасан. Билиб қўй, Қоратой, элнинг ризқини қийганинг, тер тўкиб қилинган меҳнатни зое кетказганинг учун халқнинг уволи тутади сени», — деган сўзлар эшитилгандек бўлди.

Шу маҳал қўнгилни беҳуд қилувчи гармсел эса бошлади. Иссиқ шамолнинг қуюқ тўқинлари ер бетига олов пуркаб, қолган қутган сўнгги намликни ҳам сўриб олаётгандай, иссиқ Қоратойнинг баданларини куйдириб ёндирарди.

— Гармсел — дея бақирарди Қоратой жон-жаҳди билан, нафаси бўғзига тиқилиб. — Гармсел келди! — сўнг у отнинг ёлига мушкасидан йиқилиб тушди-да, ўзича бўғиқ овоз билан пичирлай бошлади. — Бундан кўра, менинг сувсиз қолганим яхши эмасмиди! Бундан кўра, менинг чанқаб ўлганим маъқул эмасмиди!

Бир оздан сўнг Қоратой бошини бир силкиб олгида, ўнқир-чўнқирларга қарамай, дала бўйлаб, чанг-тўзон кўтариб овул томон отини чопгириб кетди. У тизгини бўш кўйиб отини елдириб борар экан, кўчада подани тўсиб турган Хонимгул билан Тўқиннинг олдига етиб келди-да, отни таққа тўхтатди.

3.

Тунининг биринчи ярми шу кунларда одатдагидан қоронғироқ эди. Ой қорайиб кўринган тизма тог чўққиларидан кечикиб чиқаётган эди. Сугориш учун тун энг яхши вақт. Собирбек суғоришнинг қандай бораётганини текшириб юрибди. Ҳамма иш жойида. Сувчиларга кундуз куни топшириқ бериб қўйилган, уларнинг ҳар қайсисига алоҳида ер ҳам тақсимлаб берилган. Энди бўлса Собирбек бирор ерга сув чиқмай қолмадимикин деб, марзама-марза юриб суғорилган экинларни қўздан кечириб юрган эди, бир вақт:

— Собирбек, қаердасан, ҳо-о-о, Собирбек, қаердасан! — дея овоз эшитилиб қолди.

— Мен бу ердаман!

— Сув йўқ! Сув қуриб қоляпти, — дея бақирарди ҳалиги сувчи. Собирбек у томон чопиб борарканг, нариги ёндан яна қийқириқ овози эшитилди:

— Ҳой, мироб, сув йўқ! Сув қани!

Ҳақиқатан ҳам ариқдаги сувлар ўзиданўзи қуриб қолган эди. «Катта ариққа уриб кетдими, нима бўлди?» — деганча Собирбек катта ариқ томон чопиб кетди... Ариқ жойида, боя-боягидай. Аммо сув камайганидан камайиб, ариқ тубидаги тошлар қоронгида йилтираб кўринib турарди. «Тавба, бу нимаси бўлди?» — деб Собирбек ранг солдида, каналнинг бирор ерини сув олиб кетганмикин деган хаёлга бориб, бирдан чўчиб кетди. Бўлмаса бу каналдан ёлғиз Собирбеклар эмас, «Бештош» колхози ҳам сув ичарди, қолаверса, каналнинг уриб кетган ерини боғлаш осон иш эмас. Унга қанча куч, қанча вақт керак. Суғориш қизғин кетаётган ҳозирги пайтда сувсиз қолиш бу ҳосилдан маҳрум бўлиш деган гап. Нима бўлса ҳам тезроқ ҳаракат қилиш керак, деб, Собирбек тун қоронғисига қарамай, отга яна қамчи босди.

Мана, у каналнинг бошига ҳам етиб келди. У ерда иккала колхоз учун сувни бўлиб берадиган, катта дамба бор эди. Собирбек отини канал четидаги толга боғлади-да, ўзи каналнинг қиргоғига ирғиб чиқди ва дамбанинг қўприги билан юриб бораётиб бирдан тўхтаб қолди. Катта ариқ бошидаги дамбанинг бекитилганини кўриб ўз кўзига ишонмасди. Каналдан ариққа томон ҳеч бўлмаса жилдираб ҳам сув оқаётгани йўқ. Қоратойларнинг дамбаси бўлса охиригача кўтарилган. Сувнинг ҳаммаси уларнинг ариғига шарқираб оқаётган эди.

«Бу нимаси, буни ким қилди?» — деб Собирбек ўзига ўзи савол берардию, унга жавоб топа олмасди. У умрида бунақа ҳодиса-га дуч келмаган эди. Сувнинг шовқин солиб, шарқираб оқаётганидан Собирбекнинг сўзларини эшитиб бўлмасди.

— Йўқ, бу ерда қандайдир янглишмовчилик бор. Бундай бўлиши мумкин эмас. Буни дарҳол тузатиш керак!.. — деярди Собирбек ўзига-ўзи пичирлаб.

(Давоми бор).

1) Боши газетанинг 23, 24 июнь сонида.

ЖАМОАТЧИ — ФАХРЛИ НОМ

ҲИММАТ

Меҳнаткашлар депутатлари Денов шаҳар Советининг депутатлари янги ташаббус бошладилар. Улар сайловчилар наказларини, ободончилик ва қурилиш соҳасидаги иўл ишларни давлат маблағларисиз, жамоатчилик йўли билан амалга оширишга киришдилар.

Бу ташаббус шаҳар ижроия комитети томонидан қўллаб-қувватланди. Коммунал хўжалик, йўл қурилиши ва ободончилик бўйича доимий комиссияларнинг фаолияти кучайтирилди. Жойларда йиғилишлар ўтказилиб, депутатларнинг таклифлари кенг халқ оммасига етказилди. Деновлик кексаю ёш ўз турар-жойларини, кўчаларини обод қилишда, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қуришда куч-ғайратларини аямасликларини якдиллик билан билдирдилар. Шаҳарда 22 та кўчани бирлаштирган 7 та маҳалла комитети туздилар. Комитетлар қошида ободончилик бўйича секторлар, маиший хизмат комиссиялари ташкил этилди. Ана шу комиссия ва группалар раҳбарлигида аҳоли ободончилик ишларига қатъий бел боғлаб киришди. Ташкилот ва корхона коллективлари ҳам бу олижаноб ишдан четда қолмадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети V сессиясининг материаллари деновлик жамоатчиларнинг ғайратига-ғайрат қўшди. Улар уй-жойларни, ҳовлилар, ташкилот ва корхоналар атрофларини, кўчаларни обод қилиш ва озода сақлаш учун янада қизғин курашмоқдалар. Деновликларнинг ҳиммати катта. Шаҳар меҳнаткашларининг, ташкилот ва корхона коллективларининг ёрдами билан бу йил ободончилик ҳамда қурилиш соҳасида жамоатчилик асосида 57,5 минг сўмлик ишни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ўз шаҳрини обод, кўркам, гўзал қилиш иштиёқи билан яшаётган деновликларнинг бу олижаноб иши мақтовга сазовордир.

А. ПУЛАТОВ,
Сурхондарё области.

БУ — МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК-КУ!

Жарқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхози илгари илғор хўжаликлардан эди. Кейинги йилларда ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Ўтган йили районда фақат шу хўжалик пахта тайёрлаш планини бажаролмади. Бундан колхоз раҳбарлари тўғри хулоса чиқармаяптилар.

Бу йил 1250 гектар ерга чигит экилди. Давлатга 3350 тонна пахта топширилиши керак. Бу пахтани яхши ривожланган, серҳосил ғўзалардан олиш мумкин. Лекин колхозда бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрилмаяпти. Парваришнинг суръати суст, сифати ёмон. Натижада экинни бегона ўт босмоқда. 75 гектар майдондаги ғўза ўт орасида қолиб кетган. Яганалаш ҳали тамомланганй йўқ. 1, 2, 8 ва 9-бригадаларда ғўзалар сувга ташна бўлиб ётибди. Сув эса исроф қилинмоқда.

Абдувоитов, Даминов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда айниқса аҳвол начинарли. Айрим пайкаллар бегона ўтлар билан қопланган бўлса, бир хил карталардаги экин жуда чанқаб қолган. Сувчиларнинг иши икки сменада ташкил этилмаган. Кечаси сув эгасиз қолади.

Эътиборсизлик сабабли 20 гектар ердаги ғўзага ўргимчаккана тушган. Абдувоитов бошлиқ бригадада 2 та трактордан биттаси ҳам ишламаяпти.

Айрим бригадаларда механизаторларнинг эътиборсизлиги натижасида культивация вақтида кўплаб нуқсонлар нобуд қилиняпти. Масалан, 14-бригадада 46 та эгатдаги ғўза тупларини культиватор пичоғи кесиб кетган. Бу, ўтакетган масъулиятсизлик-ку.

Н. ТУРСУНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗ СПОРТЧИЛАРИНИНГ
V СПАРТАКИАДАСИ

ОЧКОЛАР, ЎРИНЛАР, ҒОЛИБЛАР

Эртага, 26 июнда Ўзбекистон касаба союз спортчиларининг спартакиадаси байроғи туширилади. М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида спартакиаданинг ёпилиш маросими бўлади, ғолибларга мукофотлар топширилади.

Спортнинг 19 тури бўйича саралаш мусобақалари тугаб, финал учрашувлар бошланди. Айрим турлар бўйича ғолиб командалар аниқланди ҳам. Чарм қўлқоп мастерлари учрашувларни тугатдилар. Бунда ҳам пойтахт вакилларига тенг рақиб топилмади. Вазн тартибида қуйидагилар спартакиада чемпиони бўлдилар: А. Цой, П. Хорошов, Я. Беняминов, Р. Хайнанов, Е. Шерстнев (ҳаммаси Тошкентдан), П. Харлампиди (Самарқанд), В. Шаров (Тошкент), А. Кауниди (Фарғона), А. Топчий, А. Баранов (Тошкент).

Умумкоманда ҳисобида 60 очко тўплаган Тошкент шаҳар биринчи командаси ғолиб чиқди. Фарғоналиклар 20 очко билан иккинчи ўринни эгаллашди.

Қўл тўпи бўйича финал учрашувлар бошланди. Тошкент шаҳар биринчи командаси Андижон командасини 16:0, Тошкент область спортчиларини 27:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Тошкент шаҳар иккинчи командаси ҳам икки турдан кейин икки очкога эга.

Волейболчи аёллар турнирида ҳам Тошкент шаҳар биринчи ва иккинчи командалари иккитадан ғалаба қозониб, турнир жадвалини бошқариб боришмоқда. Эркаклар турнирида эса Тошкент шаҳар биринчи командаси Тошкент область вакилларига ютқазиб қўйишди.

Стол тенниси бўйича ғолиблик учун ҳам Тошкент шаҳар биринчи ва иккинчи командаси даъвогардир. Бу ҳар иккала команда барча рақибларини мағлубиятга учратди. Ғолиб ҳам мана шу икки команда ўртасида ўтказиладиган матчдан кейин аниқланади.

Терма командалар ўртасида кечагача бўлган аҳвол қуйидагича:

Командалар	Очко	Ўрин
Тошкент — 1	149,5	I
Тошкент — 2	146,5	II
Самарқанд	107	III
Фарғона	106,5	IV
Андижон	103	V
Тошкент области	86	VI
Бухоро	71	VII
Хоразм	53,5	VIII
Сурхондарё	41,5	IX
Сирдарё	40,5	X—XI
Қорақалпоғистон АССР	40,5	X—XI
Қашқадарё	37,5	XII

ОҲАНГАРОНДАГИ пластмассадан қурилиш материаллари ва буюмлари тайёрлаш комбинати республикамиздаги янги корхоналардан. Комбинат коллективи маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Фото-мухбиримиз И. Глауберзон олган бу суратда ана шу корхонанинг илғор аппаратчиларидан Нортожи Соғиндиқова ва Меҳри Қосимовани кўриб турибсиз.

ФАРҒОНА ЧИЛОНЗОРИ

Фарғона Чилонзори деб аталувчи Фрунзе массивининг қиёфаси кун сайин ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Бу ерда кўп қаватли уй-жой бинолари қад кўтармоқда. Яқинда массивнинг Фрунзе кўчасида учта 44 квартирали уй-жой биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Яна битта 32 квартирали уй ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Массивнинг Пушкин кўчасида ҳам уй-жой бинолари тезкорлик билан қурилмоқда.

Фарғона Чилонзорининг эртаси яна порлоқ!

А. ҲАКИМОВ.

«ГУЛШАН» ТОШКЕНТДА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожикистон Давлат Филармониясининг «Гулшан» номли эстрада оркестри солистласи, республика халқ артистласи, моҳир хонанда Лайло Шарипова бошчилигидаги бир группа тожик санъаткорлари Фарғона водийси бўйлаб қилган бир ойлик гастролдан кейин пойтахтимизга меҳмон бўлиб келдилар. Кеча улар Тошкентдаги Горький номли маданият ва истироҳат боғида ўз санъатларини пойтахт меҳнаткашларига намойиш қилдилар.

Пойтахтдаги гастроллар тугагач қардош тожик санъаткорлари Тошкент областининг Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл ва бошқа районларига бориб, бир неча кун давомида маданий хизмат кўрсатадилар.

Н. ИНОҚОВ.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ХАЛҚАРО ОБЗОР

Шўрўли МАМЛАКАТЛАРДА

ЖАЗОИРДАГИ АҲВОЛ

ЖАЗОИР, 23 июнь. (ТАСС). АПС агентлиги 22 июнда Информация министрлигининг баёнотини тарқатди. Баёнотда айтилдики, «Баъзибир унсурлар» Жазоир пойтахтида «ғалаёнлар чиқаришга уринмоқдалар». Айни вақтда, дейилади баёнотда, аҳолининг кўнглига шубҳа ва безовталик солишга мўлжалланган овозалар тарқатилмоқда. Чунончи одамлар кўплаб қамоққа олинаётган эмиш, озиқ-овқат запаслари қисқариб кетган эмиш, деган ва бошқа шу сингари миш-мишлар тарқатилмоқда.

Революцион ненгаш тартибсизликларнинг ташаббускорлари «фарзандларингизнинг ишончидан» фойдаланиб қолмасинлар, ана шундан огоҳ бўлингиз, деб аҳолининг ва айниқса оила бошлиқларининг эътиборини шунга жалб қилади ҳамда «партия ва давлатнинг барча органларидаги масъул шахсларни» ғалаёнлар илҳомчиларининг ҳаракатларига «чек қўйишда» хавфсизлик хизматига ёрдам бериш учун қўлингиздан келган барча ишларни қилингиз, деб даъват этади.

ЛОНДОН, 23 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Жазоирдан берган хабарида айтилишича, кеча кечқурун Жазоир пойтахтида 19 июнь тўнтаришидан кейинги тўртинчи ва энг катта намойиш бўлиб ўтган. Ҳукумат вакили радио орқали гапириб, аҳолини осойишталикка даъват қилганидан сўнг орадан сал вақт ўтгач шу намойиш бошланган. Ёшлар янги режимга душманлик руҳидаги шиорларни бақириб айтиб ва ағдариб ташланган президентнинг портретларини кўтариб кўчалардан ўтаётган вақтида полиция аввал аралашмай, қузатиб турган. Сўнгра таёқчалар ва ичига қўдан ёш оқизадиган газлар солинган гранаталар ишлатилиб, намойишчилар тарқатиб юборилган.

ҚОҲИРА. 23 июнь. (ТАСС). «Алаҳром» газетасининг хабар беришича, тўнтаришдан сўнг Жазоирга бориб келган Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти маршал Абдул Ҳаким Амирни у ерда Бен Белланинг ҳаёти хатарсиз, деб аниқ ва конкрет қилиб ишонтирганлар.

Шу газета редактори Муҳаммад Ҳасанайн Ҳайкал вице-президентнинг Жазоир сафарида унга ҳамроҳлик қилган. Редакторнинг ёзишича қараганда, Амирга Бен Белла билан учрашишга рухсат берилмаганлар. Маршал Амир Хуари Бумиддиндан Бен Беллани кўришим ва унинг ҳаёти хавф-хатарсиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкинми, деб сўраганида, полковник Бумиддин: Бен Белла Жазоирдан жуда узоқда бўлмаганида эди, сизнинг илтимосингизни бажонидил ижро қилган бўлур эдик. Лекин мен унинг ҳаёти хатарсиз бўлишини гарантиялаймаи, бунга ишонаверинг, деб айтган.

Матбуотда босилган хабарларга кўра, Бен Белла Сахрои Кабирнинг ичкарисидаги Таманрассет воҳасида турган эмиш.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШУВИГА ТАРАФДОРМИЗ

ДЕҲЛИ, 23 июнь. (ТАСС). Лаос Осиё ва Африка мамлакатларининг Жазоирда бўладиган иккинчи конференциясида Совет Иттифоқининг қатнашувига тарафдордир, деди бу ерга келган Лаос Бош министри Суванна Фума.

Суванна Фума Парижга бораётиб, бу ерда тўхтаб ўтди. У, Париждан Жазоирга бориб конференцияда қатнашади.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲУЖУМ

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). Конго қўзғолончилари отряди ўтган куни муваффақиятли ҳужум қилиб, Кбилу вилоятидаги Ниоки шаҳрини озод қилди. Франс пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, шаҳар аҳолиси ва полициячиларнинг бир қисми қўзғолончиларга қўшилган.

Чомбе армиясининг талайгина қуллари бугун қўзғолончиларга қарши ташланди. Аммо, бу операциянинг якунлари шу вақтгача маълум эмас, деб таъкидлайди мухбир.

ЖАЗОИР МИНИСТРИ ҚОҲИРАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ҚОҲИРА, 23 июнь. (ТАСС). МЕН агентлиги хабар беради: бу ерга бир кунлик визит билан келган Жазоир ташқи ишлар министри Абдил Азиз Бутифлика бугун саҳар пайтида самолётда ўз ватанига жўнаб кетди.

Бутифлика жўнаб кетиш олдидан МЕН агентлигининг мухбирига қуйидагиларни айтди: Мен кеча Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир билан учрашдим ва Жазоирдаги сўнгги воқеалар тўғрисида унга ахборот бердим. Жазоир ташқи ишлар министри Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг ҳозир Қоҳирада бўлган бош министри Чжоу Энь-лай билан ҳам учрашганлигини айтди. МЕН агентлиги хабар беради: «Президент Носир ва бош министр Чжоу Энь-лай,— деди Бутифлика, — Жазоир ҳукуматининг Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясини белгиланган вақтда Жазоирда ўтказиш заруллиги тўғрисидаги фикрига қўшилганликларини билдиришди».

АҚШ—агрессор

БУЭНОС-АЙРЕС, 23 июнь. (ТАСС). «Миллий муросасизлик ҳаракати»нинг съезди АҚШнинг Доминикана республикасидаги агрессиясини қоралади ва АҚШни Америка давлатлари ташкилотидан чиқариб юборишни талаб қилди.

«Миллий муросасизлик ҳаракати» Аргентинанинг ҳукмрон халқ-граждан-радикал иттифоқи партиясига киради.

Янги қонун лойиҳаси

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси маъқуллаган қонун лойиҳасида айтилдики, Қўшма Штатларнинг президенти ёки вице президентини ўлдириш давлатга қарши жиноят бўлиб, у ўлим жазоси билан жазоланади.

Ҳозир амалда бўлган қонунларга мувофиқ, президентларни ўлдирганлик ҳақидаги ишлар федерал судда эмас, балки штатларнинг судларида кўрилиши лозим. (ТАСС).

ТАЪСИС СЪЕЗДИ

ВАРШАВА, 22 июнь. (ТАСС). Тарихий ёдгорликлар ва архитектура ансамбларини сақлаш халқаро кенгашининг таъсис съезди давом этмоқда. ПАП агентлигининг хабар беришича, кеча очилган съезднинг ишида жаҳондаги 28 мамлакатдан 150 вакил, шу жумладан Совет Иттифоқи вакиллари қатнашмоқда. Съездда бутун дунёдаги тарихий ёдгорликларни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилот тузилади.

ҲИНДИСТОН МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Ҳиндистон ирригация ва энергетика министри К. Л. Рао ва Майсор штати ирригация ва энергетика министри В. Патила ҳамда Уттар Прадеш штатининг ирригация ва энергетика министри Г. Лаъл Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлишди.

Меҳмонлар республикани электрлаштириш соҳасидаги ишлар билан танишиб, сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш билан айниқса қизиқдилар. Улар Чирчиқ—Бўзсув каскадини кўздан кечирдилар. Бу каскад пойтахт областидаги саноат корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктларни электр энергияси билан таъминлабгина қолмай, балки бир вант ичида неча ўн минг гектар янги ерларни суғориш имконини ҳам берди. Меҳмонлар Чорвок ГЭСининг йирик ирригация-энергетика узели қурилишида ҳам бўлдилар.

Ҳиндистон министрлари Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозини, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг раҳбарлари билан суҳбат қилдилар.

К. Л. Рао Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирига ўз таассуротларини сўзлаб берди. Министр республикада энергетикани ривожлантириш соҳасида жуда кўп иш қилинаётганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон мутахассисларининг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш соҳасида тўплаган тажрибалари ғоят муҳим эканлигини айтди.

Радио

25 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Эрталабки концерт. 8.25 — Концерт. 9.30 — Қўшиқлар. 11.10 — «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали. 11.30 — Дилбар қўйлар. 12.15 — Қўйлардан қўшиқларга. 12.50 — Далаларда ёзги тажриба ишлари (рус.). 13.40 — Эстрада қўйлари (рус.). 16.15 — Литва халқ чолғу асбоблари (рус.). 17.00 — А. Пўлат шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 18.10 — Гитара пьесалари. 18.30 — Камер асарлар. 19.20 — Социалистик мамлакатлар қўйлари. 20.00 — Шаҳар—қишлоққа (рус.). 20.10 — Оқшом қўйлари (рус.). 20.45 — «Фан билан ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқаси учун». 22.00 — «Қаҳрамон шаҳар» (Севастополь шаҳрига бағишланади).

Телевидение

25 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.25 — **Пионер гулхани ёнида.** 18.50 — **Архитектор А. Н. Зотов** («Ажойиб кишилар ҳаёти» циклидан).

Ўзбек тилида: 19.30 — **Телевизион янгиликлар.** 19.50 — **«Трясогузка» армияси** (бадиий фильм). 21.10 — **Ғалла—ризқ-рўзимиз** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

21.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.35 — **Реклама ва эълонлар.** 21.50 — **Қиз гўзаллиги** (телеочерк). 22.00 — **Эфирда—Бекобод комсомоллари** («Ёшлик» студияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.45 — **Мен биноқор бўламан** (телеочерк). 19.00 — **Тошкент янгиликлари.** 19.10 — **Классик музика.**

Рус тилида: 19.40 — **Қайтарилган вақт** (ҳужжатли фильм). 20.00 — **Тошкент янгиликлари.** 20.10 — **Совет радиоспорти. Крестовий довони орқали** (илмий-оммабоп фильмлар). 20.30 — **Мичман Панин** (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VI да **Флория Тоска.** 26/VI да **Оққуш кўли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VI да **Жон қизлар**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Оқар Волга (кеч соат 7 ярим ва 9 яримда). **Севги ва кўз ёши** (эрталаб 11, кундуз 1, 3 ва 5 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Океандаги из — «МИР». СОВИР РАҲИМОВ номли. «ИСКРА». «СПУТНИК». «ДРУЖБА» (1-залда). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Малахов қўрғони — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Қизил беретлар — НАВОИЙ номли. «ВОСТОК». «ДРУЖБА» (2-залда). «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Мафтун ороллар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Бир оқшом севгиси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бир сумка юран — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Тарбиясиз қиз — СОВИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 3, кеч 6.45 минут ва 10 да).

Жоао Корраль сири (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да). **Тоғлиқ қасоскорлар** (кеч 8 да) — «СПУТНИК».

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Тарбиясиз қиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қайдасан ҳозир, Максим? — КАФАНОВ номли.

Уч мушкетёр — «ХИВА».

Прага рақси — «САЛЮТ».

Океандаги из — «ВАТАН».

Жанубий тугун — «1 МАЙ».

Поддубки лапарлари — «УДАРНИК».

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

26 июнда

«Б» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:

«Свердловец» (Тошкент область)— «Динамо» (Целиноград) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Туроб Тўла асари

МОМО ЕР

2 парда. 13 кўринишли музикали драма.

(Ленин мукофоти лауреати **Чингиз Айтматовнинг «Она ер»** қиссаси асосида)

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби **Икром Анбаров музикаси.**

Постановкачи режиссёр — **Абдурашид Раҳимов,** дирижёр — **Қувонч Усмонов,** рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель,** балетмейстер — **Омон Назруллаев,** хормейстер — **Аҳад Ҳомидов,** режиссёр ассистенти — **Раиса Муҳиддинова,** концертмейстерлар — **М. А. Фурман, М. Б. Малина.**

27 июнда Андижон областининг «Савай» совхозида Ўзбекистон ССРнинг 1965 йилги

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

учинчи чиқарилиш билетларининг

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

бўлади.

Бу тиражда лотереянинг тўрт разрядига: 8 та «Москвич» автомашинаси, 20 та «ИЖ-Планета» мотоцикли, 20 та «Рекорд» телевизори, 16 та пианино, 180 та холодильник, 180 та тикув ва кир ювиш машинаси ҳамда бошқа қимматли буюмлар, жами 585 минг сўмлик ютуқ ўйналади.

Лотерея билетларини сотиб олинг!

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ

янги ташкил қилинадиган 2 йиллик студияга, ўзбек ашула ва рақс ансамблига ҳамда бошқа ижодий коллективларга

июль, август ойларида

АРТИСТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда 25 ёшгача бўлган талантли ёш ашулачилар, рақкосалар, созандалар, аскиячилар, конферанс ва бошқа санъатчи қизлар ва йигитлар қатнаша олади.

Аризалар Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уйда филармония ва эстраданинг кадрлар бўлимига ва музика бўлимига юборилсин. Телефон 3-37-69.

Областларда аризани маданият бошқармаларига юбориш мумкин.

Конкурсдан ўтганлар ўқиш ва ишга қабул қилинади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

КВАРТИРА ТЕЛЕФОНЛАРИДАН КРЕДИТГА

ТЕЛЕГРАММАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Бунинг учун 06 телефон орқали мурожаат қилиб, телеграмманинг мазмунини айтиш керак.

Берилган телеграмма ҳақини эса истаган шаҳар алоқа бўлимида тўлаш мумкин.

Хоҳишингизга қараб, кеча-кундузнинг истаган вақтида оддий телеграмма, шошилинч телеграмма, топшириғанлигини маълум қилиш шарти билан юборилиадиган телеграмма, жавоби тўланган телеграмма ва бадиий бланкда етказиладиган телеграммалар бериш мумкин.

Тошкент почтамти.

ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

сувоқчилар, бўёқчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

ЁЗ МАВСУМИГА

хилма-хил газламалар сотилмоқда

ШОЙИЛАР СЕКЦИЯСИДА

Гул босилган ва рангли, табиий ва сунъий шойилар: крепшифон, крепжоржет, крепдешин — ёзги енгил кўйлак ва блузкалар учун.

Гул босилган поплинлар ва вискозали лавсандан газламалар — баҳорги нафис кўйлаклар ва кўйлак-костюмлар учун.

Миллий жаккард газламалар: фасон поплин, альпак, хонатлас ва бошқалар.

Сунъий шойилар: «чардаш», «мальва», «росинка», «шоҳида», «вечерняя» ва бошқалар.

Турли хил духоба, велюр — кечки кўйлаклар учун.

ШТАПЕЛЬ ГАЗЛАМАЛАР СЕКЦИЯСИДА:

Гулдор штапель полотно, штапель шотланкаси, рангли полотно.

ИП ГАЗЛАМАЛАР СЕКЦИЯСИДА

Кўйлаклар учун чит, майя, фулярлтин, чио-чио-сан, гул босилган бўз. Бундан ташқари: фланель, ип трико, диагональ, тик ва бошқа хил газламалар.

ЖУН ГАЗЛАМАЛАР СЕКЦИЯСИДА

Кўйлаклар учун турли хил гулдор газламалар: ип аралаш жун кашемир, «малинка» газламаси, лавсанли «снежинка» газламаси.

Костюмлар учун соф жундан тўқилган газламалар: «верасень», «аргон», «восход», «сюрприз», лавсанли «новое» трикоси, «ударник», креп ва бошқалар.

Муқимий кўчаси, 8-уй, 60-квартирада турувчи **Яков Семёнович Асановнинг** Чилонзор массив, 5-тупик, 5-уйда турувчи Лариса Викторовна Гербеевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Гоголь кўчаси, 43-уй, 12-квартирада турувчи **Фаина Павловна Кузьмининнинг** Майкопская кўчаси, 6-уй, 8-квартирадаги турувчи Геннадий Борисович Гамзаянцдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Лангар кўчаси, 11-тупик, 8-уйда турувчи **Наиля Салаховна Совбяновнинг** шу уйда турувчи Абдулхай Совбянович Совбяновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

9 Январь кўчаси, 64-уйда турувчи **Александр Абрамович Гуральниннинг** Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 11-переулок, 30-уйда турувчи Ханида Абрамовна Гуральниқдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Карл Либкнехт кўчаси, 9-уйда турувчи **Борис Афанасьевич Мироновнинг** шу уйда турувчи Клавдия Степановна Мироновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозида турувчи **Турсун Акбаровна Аҳмедованинг** Тошкент шаҳар, Бодомзор кўчаси, 4-Қорамурт тупик, 19-а уйда турувчи Аъзам Аҳмедовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Собир Раҳимов кўчаси, Тўйтепа проезд, 6-уйда турувчи **Абдурасул Боборахимовнинг** Олмазор кўчаси, Қирқариқ проезд, 10-уйда турувчи Эркин Абдуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор массив, 7-б сектор, 35-уй, 47-квартирада турувчи **Людмила Григорьевна Ҳасановнинг** Самарқанд область, Иштиҳон районидаги «Иштиҳон» колхозида турувчи Абдушукур Ҳасановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Пушкин кўчаси, 34-уйда турувчи **Виктор Васильевич Манининнинг** шу уйда турувчи Вера Васильевна Манинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Сағбон кўчаси, Янгиш проезд, 2-тупик, 23-уйда турувчи **Муҳаммаджон Соатовнинг** шу проездаги 14-уйда турувчи Маҳбуба Саидовна Соатовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 31226. Фан, маданиятаб ва оилада ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 146. ИНДЕКС 64543. Р. 03952.